Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 18-avgust, chorshanba № 67 (7676)

Da'vat

Orzusiz odamning aqlini hech narsa oxirigacha qo'zg'atolmaydi.

Genri TEYLOR

Ўқувчилар янги ўқув йилини янгича иштиёқ билан кутишади. Уларнинг болаларча феъли таътилдаги турфа янгиликларни ўртоғу дугоналарига тезроқ айтишу кўрсатишга мойил бўлади. Сўнгги қўнғироқ билан биринчи қўнғироқ орасида жонажон мактаби ўзгача чирой очганини кўрган заҳоти эса уларнинг чеҳрасида зоҳир бўладиган мамнуниятни бир кузатиб кўринг-а! Беихтиёр яна қайтадан ўқувчи бўлгингиз келади-қолади.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани Убай Мусаев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 7-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ўз ўқувчиларига янги ўқув йилига ажойиб туҳфа ҳозирлашди: келажак бунёдкорлари ўқув йилининг илк кунида янгича кўринишдаги мактабга қадам қўйишади.

Икки навбатда 600 нафар ўқувчи ўқийдиган мактабнинг қайта таъмирдан чиқарилишига 30 миллион сўм сарфланди. Албатта, бу жараёнда тумандаги «Ишонч» фермер хўжалиги қурувчиларининг ўз ҳиссаси бор. Улар олтмиш кунда таъмирлаш ишларини якунлашди.

Ўқувчилар энди бир комплект синф компьютер билан замонавий билимларини шакллантирса, янги спорт майдончасида жисмоний тайёргарликларини оширадилар.

Суратда: мактабнинг янги кўриниши барчага ёқди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЭРТАНГИ КУН БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Бизнинг асосий вазифамиз ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ислом КАРИМОВ

Дарҳақиқат, эртанги кун бугундан бошланади. Мамлакатимиз келажаги бугун мактабларда таълим-тарбия олаётган фарзандларимизга, уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишишларига боғлиқ.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан халқ таълими соҳасига жуда катта эътибор берилмоқда. Мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш, унинг самарадорлигини кескин оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, Президент фармойиши ва ҳукумат қарорлари ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бунга Навоий вилояти халқ таълими муассасаларида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(Давоми 6-бетда)

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

O'ZBEKISTON OLIY SUDIDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida joriy yil bahorida Toshkent shahri va Buxoro viloyatida terrorizm va qo'poruvchilik harakatlarini sodir etganlikda ayblanayotgan 15 nafar shaxs ustidan boshlangan sud jarayoni bir necha kunlik tanaffusdan so'ng yana davom etyapti. Sud jarayoniga Oliy sud raisining o'rinbosari B.Jamolov raislik qilmoqda.

(Davomi 2-betda.)

НИҲОЯТ, ЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ !!!

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди.

Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги "Картография" илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асосида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган снёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС ТАГЛИГИДАН:

1. *Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф.*
2. *Дунё аҳолиси.*
3. *Жаҳон макроҳудудлари ва экология.*
4. *Иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.*

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика қўрғони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел.: 161-34-68, 330-34-68, 64-08-15, 155-24-63

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: дадил фикрлар ўртага ташланмоқда — 3-бет

ЖОНДАН АЗИЗДИР ОНА ТУПРОҚ! чунки унда аждодлар хоки, авлодларнинг ҳақи бор — 4-бет

МАВЗУЛАР ҚАНДАЙ РЕЖАЛАШТИРИЛАДИ? — 7-8-9-10-бетлар

ДЕЛЬФИНЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ? — 13-бет

«ШАРҚ ЗИЁКОРИ»ДАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИНГ! — 16-бет

Ibrat

Bo'z tumanidagi «Ozod» shirkat xo'jaligi hududida homiylar ko'magida hashar yo'li bilan bolalar sport majmui qurilib, foydalanishga topshirildi.

Asosiy mashg'ulotlardan tashqari, har kuni tushlikdan keyin oromgohda jurnalistika, ingliz va rus tillari, iqtisod, sport, teatr va huquq yo'nalishlari bo'yicha «Yozgi universitet» ish olib bordi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

XOTIN-QIZLAR KONFERENSIYASI

Poytaxtimizda O'zbekiston xotin-qizlarining respublika konferensiyasi bo'lib o'tdi. Unda Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlardan saylangan delegatlar — ko'plab sohalarda jonbozlik ko'rsatayotgan faol ayollar vakillari ishtirok etdilar.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimiz xotin-qizlarining respublika konferensiyasi ishtirokchilariga yo'llagan tabrigini Prezidentning Davlat maslahatchisi Xayriddin Sultonov o'qib eshittirdi.

QO'SHIQ BAYRAMI YAKUNLANDI

Vatanimiz mustaqilligining 13 yilligiga bag'ishlangan «O'zbekiston qo'shiq bayrami» respublika tanlovi yakunlandi. Poytaxtimizdagi Xalqlar Do'stligi saroyida mazkur tanlov g'oliblarini taqdirlashga bag'ishlangan gala-konsert bo'lib o'tdi.

HASHAR YUKSAK SAVIYADA O'TDI

Mamlakatimizda mustaqilligimizning 13 yilligi obodonlashtirish va tozalik oyligi doirasida yurtimizda 14-15-avgust kunlari umumxalq xayriya hashari o'tkazildi.

Hasharni uyushqoqlik bilan o'tkazish, unga keng xalq ommasini jalb etish maqsadida tuzilgan Respublika ishchi guruhidan olingan ma'lumotga qaraganda, umumxalq tadbirida o'n olti million nafardan ko'proq yurtdoshimiz ishtirok etgan.

Farmon va ijro

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Ўттиз икки йилдирки, халқ таълими соҳасида меҳнат қиламан. Шундан 28 йилини мактаб директори вазифасида ўтаб келаяпман. Шунча йил фаолият юритиб, фақат истиқлолга эришганимиздан сўнггина таълимни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралганини ҳис қилдим. Замонавий андозаларга мос, кўзни яшнатувчи мактаб, лицей, коллежлар биноларига қараганимда шўролар давридаги тор, диққинафас хоналарда болаларга таълим берганимиз хаёлдан ўтади. Биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзи таълим соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Шунча йилдан бери хизмат қилиб келаётган педагог сифатида буларни қувонч билан, фахрланиб таъкидламасдан ўта олмайман. Айниқса, Президентимизнинг 2004 йил 19 февралда эълон қилинган мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирларига доир фармойиши, жорий йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилган қарори бир қувончимга ўн қувонч бўлиб қўшилди. Негаки, ана шу дастур қабул қилингандан сўнг қишлоғимиздаги 13-мактаб ҳам капитал таъмирланаяпти. Жорий йилнинг март ойида Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси комиссияси мактабимизни капитал таъмирлаш масаласини тасдиқлади. Шундан сўнг тендер ўтказилиб, капитал таъмирлаш ишлари авж олиб кетди. Мазкур ишлар учун бюджетдан 41 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Ҳозиргача кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Синф хоналари, иситиш тармоқлари таъмирланди. Мактаб томи шифер қилинаяпти. Айниқса, спорт залимиз замонавий талабга жавоб берадиган даражага етгани қувонарли. Ахир, қишлоқ жойларида болалар спортини ривожлантиришда ундан унумли фойдаланамизда. Очиғи, бундайин бунёдкорлик, янгиланишларни кўриб, яшариб кетасан киши. Қўли гул қурувчиларимиз капитал таъмирлаш ишларини мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйигача тугатишни мақсад қилиб қўйишган.

Кўзда тутилган ишлар қилиб бўлингач, Осиё тараққиёт банки томонидан ўқув-моддий базамизни замон андозаларига мослаш учун грант ажратилиши мўлжалланган. Фарзандларимизнинг шундайин шароитларда таълим-тарбия олишларини кўз олдимга келтирсам, юрагим орзиқиб кетади, Истиқлолга шукроналар айтаман. Бағрикенг, олийҳиммат, саховатпеша халқимиз бор-да. Синф хоналарини жиҳозлаш ишларида ҳомийларимиз ҳам имкон қадар ёрдам беришмоқда.

Эндиги масала кўрсатилаётган бундайин юксак эътиборга муносиб бўлиш. Ўйлайманки, фарзандларимиз — ўқувчиларимиз баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун тиришқоқлик билан билим олишади. Негаки, улар орасида «Мўъжизалар майдони», «Нафосат гулшани», «Олтин тож» каби телекўрсатувларда қатнашиб, қобилиятини намоён этганлари бор. Юксак билими билан туман халқ таълими бўлимининг, вилоят аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг, ҳомийларнинг стипендияларини олаётганлар бор. Хуллас, тилга олиб ўтилган дастур — фарзандларимиз камоли йўлида қилинаётган эзгу ишлар биз педагогларга янгича куч-қувват бағишлади.

Итолмас САФАРОВ,
Бухоро вилояти Олот туманидаги 13-мактаб директори

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги болалар-ўсмирлар ижодиёти мактаби, 18, 6, 10-умумий ўрта таълим мактабларида вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг спорт мактаблари, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг спорт бўйича услубчилари иштирокида ўқувчиларнинг ёзги таътил вақтларини қандай ташкил этилганлиги юзасидан кўргазмали семинар ўтказилди.

Семинар иштирокчилари туманда ташкил этилган бадиий ва спорт тўгаракларида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ёш спортчи-ўқувчилар ўзларининг спорт маҳоратларини намойиш қилиб, иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

«ИСТИҚЛОЛ»ДА ЯЙРАР БОЛАЛАР

Жиззах шаҳрида истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида кўплаб янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ана шулардан бири «Истиқлол» болалар истироҳат боғидир. «Жиззахсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти, бир қатор ҳомий ташкилотлар мазкур боғни бутунлай қайта таъмирлаб, замонавий кўринишга келтиришди.

Яқинда «Истиқлол» минглаб ўғил-қизга, ота-оналарга ўз қучоғини очди. Вилоятнинг шаҳар ва туманлари, 29-Меҳрибонлик уйидан таклиф қилинган 400 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва етим болаларга ўзига хос байрам тадбирлари туҳфа этилди. Кичкинтойлар анвойи гуллар билан бурканган боғ ҳудудини томоша қилиб, сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилишди. Арғимчоқда учиш, поездда сайр қилиш болаларга олам-олам завқ бағишлади.

Болалар истироҳат боғида келажакда чўмилиш мажмуаси, ҳайвонот боғи, катталар ва болаларга мўлжалланган соябонлар қурилади. Қисқаси, дам олиш маскани болажонларнинг кўнгилочар, энг хушманзара масканларидан бирига айланиши, шубҳасиздир.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

«ДЎСТЛИК-3» БОЛАЛАР ЁЗГИ ОРОМГОҲИ ЯКУНЛАНДИ

Ўш шаҳридаги (Қирғизистон) «Жащдик» болалар ва ўсмирлар саломатлик марказида Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари чегара ҳудудларида яшовчи болалар учун ташкил этилган «Дўстлик-3» ёзги оромгоҳида дам олиш якунланди.

Мазкур оромгоҳда дам олишни ўтказишдан мақсад ҳамкорликдаги ҳордиқ ва таълим орқали ҳар иккала давлат болалари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Ўн кунлик оромгоҳ дастури ғоят қизиқарли ва фойдали машғулотларга бой бўлди. Унинг биринчи кунида қатнашчилар ҳар бирининг таркиби 16 кишидан иборат кичик ташаббускор гуруҳларга бўлиндилар.

Асосий машғулотлардан ташқари, ҳар куни тушликдан кейин оромгоҳда журналистика, инглиз ва рус тиллари, иқтисод, спорт, театр ва ҳуқуқ йўналишлари бўйича «Ёзги университет» иш олиб борди. Оромгоҳнинг ҳар бир қатнашчиси факультетларнинг бирида таҳсил олиб, машғулотлар ниҳоясида сертификат олиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, бу ерда «Алло! Биз иқтидорлиларни излаяпмиз!», «Робинзон жаноблари ва Робинзонхонимлар», «Оромгоҳнинг Мисс ва Мистерлари», «Цирк келди!» каби кўнгилочар тадбир ва танловлар ташкил этилган бўлиб, улар орқали болалар жамоада ишлаш қобилиятларини ривожлантирадилар. Қолаверса, оромгоҳда волейбол, баскетбол, футбол, бадминтон, сузиш, шахмат-шашка, қувноқ стартлар каби спорт мусобақалари ўтказилди.

О.СИДДИҚОВ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИДА XX АСР

13—14 август кунлари Темурийлар тарихи Давлат музейида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти, Осиё маданияти ва ривожланиш институти (Корея) ҳамкорлигида "Марказий Осиё тарихида XX аср: воқеалар, тенденциялар ва сабоқлар" мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Корея, Россия, Қирғизистон, Озарбойжон, Польша, Қозоғистон давлатларидан келган 50 дан ортиқ етакчи олимлар ва кўплаб илм-фан вакиллари иштирок этишди.

Анжуман "Умумбашарий воқеалар ва йўналишлар", "Марказий Осиё сиёсати ва иқтисодиёти", "Хавфсизлик муаммолари" ва "Маданият" секциялари бўйича иш олиб борди. Конференцияда XX асрда содир бўлган маданий, иқтисодий, тарихий, сиёсий жараёнлар масалалари бўйича илмий маърузалар тингланди. XX асрда Марказий Осиёнинг маданий-цивилизацион ва сиёсий ривожланиши, Ўзбекистонда тарих фанининг назарий ва методологик муаммолари, диний сиёсат, таълим тизими, ишсизлик муаммолари, қишлоқ хўжалиги, экологик хавфсизлик, Туркистонда XX аср бошидаги маданий ўзгаришлар, корейс ва туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маърузалар кўпчиликка манзур бўлди.

Энг асосийси, ҳар бир маруза бўйича баҳс ва муҳокамалар бўлиб ўтди. Иштирокчилар маруза юзасидан саволларига жавоб олишди. Муҳокама жараёнида турли давлат ва минтақа олимлари ўртасида бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда кўплаб муҳим муаммолар бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Ушбу конференция ва ЎзРФА тарих институти ҳамда Кореянинг Осиё маданияти ва ривожланиш институти ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган анжуманлар юртимиз илм-фан тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН,
"Ma'rifat" мухбири

ИШИМИЗ ЯНАДА ЖОНЛАНАДИ

Республика ёшларининг «Bioekosan» ўқув-услубий мажмуасининг Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда жойлашган «Кимё ва биология» деб номланган тўгаракда ўқувчилар кимё фанидан олган билимларини экологияга, инсон саломатлигига татбиқ этиш усулларини ўрганишмоқда. Улар «Bioekosan» томонидан ўтказиладиган тадбирларда мунтазам иштирок этишади. «Қушлар байрами», «Сув — ҳаёт манбаи» каби кўрик-танловларда тўгарак аъзолари бўлган Нодира Валихонова ва Мавжуда Ғаниева ғолиб бўлган бўлса, «Чотқол биосферасида яшовчи ҳайвонлар» мавзусида ёзилган рефератлар танловида Камола Шокирова ва Жамшид Қамбаров «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фахрий ёрлиқлари билан тақдирланиб, «Чотқол» дам олиш оромгоҳига бепул йўлланма олишди.

"2004-2005 ўқув йили — мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинди. Янги ўқув йилида ушбу тўгарак ишини янада жонлантириб, болаларимизни табиатга ошно қилиш йўлида бор имкониятларни ишга солиш режалаштирилган.

Саида НИЗОМОВА

2004-yil sentabr oyida qayta tayyorlov kurslariga birin-ketin tinglovchilar jalb qilina boshlaydi. "Kaskad" usuli uchta bosqichda o'z nihoyasiga yetadi.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ:

ДАДИЛ ФИКРЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНМОҚДА

Таҳлилларга кўра, баъзи мактабларда ўқувчиларнинг айрим фанлар бўйича ўзлаштириши йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Нега? Айбни кимдан ёки нимадан излаймиз? Услубшунос ўқитувчиларнинг билимдони, сарвари бўлмоғи керак. Аслида халқ таълими бўлимларида фаолият юритаётган услубшунослар ана шу каби талаблар асосида танлаб олинганми? Уларнинг самарали иш юритишлари учун нималар халақит бераяпти? Ихтисослаштирилган мактаблар, билим масканларидаги чуқурлаштирилган синфларда таълим олаётган ўқувчилар фан олимпиадаларида нега ярақлаб кўзга ташланмаяпти? Иқтидорли ўқувчиларни бу каби ўқув муассасаларига тўғри танлаб олиш ва уларнинг истеъдодини тарбиялаб боришга етарлича аҳамият қаратилаяптими? Спорт мажмуалари барпо этилаяпти. Лекин мавжудларидан унумли фойдаланилаяптими? Мактабдан ташқари таълим муассасалари амалда қанча ўғил-қизларни жалб эта олаяпти?..

Навоий вилоят халқ таълими ходимларининг анъанавий август анжумани бу йил ҳар доимгидан ўзгача уйғоқ ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтганлиги билан аҳамиятли бўлди. Кенгаш давомида юқоридаги каби ўнлаб муаммолар ўртага ташланди ва атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

Тадбирнинг биринчи куни илғор ўқитувчилар, ёш мутахассислар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ҳамда олимпиада ғолибларини вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев қабул қилди. У заҳматкаш мураббийларнинг шарафли меҳнатларини эътироф этгани ҳолда бугунги кун ўқитувчиларининг олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Вилоят раҳбарининг таълим фидоийлари, иқтидорли ёшларга фахрий ёрлиқлар ҳамда қимматбаҳо совғаларни ҳурмат билан топшириши анжуманга ўзгача шукуҳ бағишлади.

* * *

Тадбир кун тартибидан ўрин олган кенгаш иштирокчиларининг Навоий шаҳри ва Кармана туманлари мактабларидаги ўзаро тажриба алмашуви ҳам таассуротларга бой бўлди. Шунингдек, гуруҳлар мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бўлишди.

Дарҳақиқат, очиқ мулоқот тарзида ўтган кенгаш вилоятнинг узоқ-яқин ҳудудларидан келганларнинг қарашларида янги-янги дадил фикрлар, ишга ижодий ёндашувга илҳомлантирувчи қувват ато эта олганлиги билан ҳам самарали бўлди.

Шу куни Навоий шаҳри ва Кармана тумани халқ таълими бўлимлари қошида "Янги педагогик технология" ва "Ресурс марказ"ларининг тақдимот маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

АМАЛИЁТ АҲАМИЯТИ

ёхуд физика, кимё, биологияни ўқитишда ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш хусусида

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалардан бири мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлашдир. Бу йўналишда ажратилаётган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар малакасини оширишнинг ихтисослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш долзарб тадбир сифатида кўрсатилган ва буни бажариш учун масъул шахслар белгиланган. Шу йўналишда Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ажратилаётган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш юзасидан физика, кимё, биология фанлари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш курслари учун ихтисослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан ПҚТМОИлар учун тавсиялар ҳамда намунавий ўқув-мавзу режалари тайёрланди. Бунда республикамиздаги мактабларнинг барча физика, кимё, биология ўқитувчиларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш юзасидан қайта тайёрлаш ва бу жараёнда тегишли назарий билимлар билан бирга амалий машқлар бажаришга жиддий йўналтириш кўзда тутилган.

Маълумки, ҳозирги даврда мактабларимиз асосан, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Аммо уларни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Мактабларни янги ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш аслида осон кечадиган жараён эмас. Аввало, ана шу воситаларни мактаб қаердан олади, деган савол ҳам кўндаланг туради. Республикамизда шундай ускуналарни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир нечта корхона фаолият олиб бораётганлиги ҳеч қандай муаммо туғдирмайди, деб ўйлаймиз.

Жорий йил май, июль ойларида шу хилдаги корхоналарнинг ишлаб чиқарган мактаб мебеллари, жиҳозлари, ускуналари бўйича республика кўргазмаси ташкил қилиниб, унда халқ таълимига масъул раҳбар ва педагог ходимларнинг таклиф-мулоҳазалари ўрганилди. Шу асосда тегишли мутахассислар томонидан бу ускуналарни янада такомиллаштириш таклифлари берилди. Физика, кимё, биология фанлари бўйича ўқув хоналарини жиҳозлаш, ускуналарни ишлатиш малакаси ҳақида институтимиз олимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан республика телевидениеси орқали "Таълим тараққиёти" мавзусидаги махсус кўрсатувда ҳам иштирок этдилар.

Ўқитувчиларни шу йўналишдаги қайта тайёрлаш жараёнида дарс давомида ўқув ускуналарини қўллашнинг турли усуллари ва қоидалари билан таништириш лозим бўлади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ишлаб чиқарилган ўқув-лаборатория ускуналаридан дарс жараёнида фойдаланишнинг қулайликлари, мактаб гигиенаси талабларига мувофиқлиги, дизайни, эстетикаси ва бошқа жиҳатлари ҳақида тегишли таҳлиллар ўтказиш, ҳосил бўлган мулоҳаза ва таклифларни ўрганиш, умумлаштириш назарда тутилади. Бу қайта тайёрлов курсларини республика бўйича ягона талаблар даражасида юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида учта босқичдан иборат "каскад" тизими ишлаб чиқилди. Унга кўра, биринчи босқичда Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятлардаги ПҚТМОИларнинг физика, кимё ва биология бўйича мутахассислари ҳамда илғор тажрибали мактаб ўқитувчиларидан ихтисослашган дастур асосида маърузачилар тайёрланади. Улар зарур ўқув-методик материаллар, дастурлар, тавсияномалар билан таъминланади. Энг асосийси эса, тингловчиларда лаборатория ускуналаридан амалда самарали фойдаланиш бўйича тегишли машқларни такрорий бажариш орқали ўз назарий билимлари билан бир қаторда амалий ишлаш ва лаборатория ишларини ўтказиш кўникмалари шаклланиши лозим. Улар ўрганганларини мутахассис ўқитувчилар ва ўқувчиларга унумли етказиш бўйича педагогик, психологик технологияларни ўзлаштирадилар.

Иккинчи босқичда қайта тайёрланган маърузачилар тегишли ПҚТМОИларда ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тавсия қилинган физика, кимё, биология фанларининг ҳар биридан 3 нафардан энг илғор деб топилган мутахассис-педагогларни биринчи босқичдаги курсларнинг ўқув-мавзу режалари ва ихтисослаштирилган дастурига мувофиқ равишда қайта тайёрлашга жалб қилинади. Бинобарин, ҳар бир туман (шаҳар) ХТБ учун шу фанларнинг ҳар биридан 3 нафардан маърузачи тайёрлаб берилади. Бунда асосий эътибор ҳар бир курс тингловчисининг барча лаборатория ускуналарини чуқур ўзлаштириши, бунинг учун зарур машқларни керагича такрорлаб бажаришларига қаратилади. Ўзи эгаллаган билим ва амалий кўникмаларни тегишли фан ўқитувчилари ва ўқувчиларга ўргата олиш методикаларини ҳозирги талаблар даражасида ўзлаштиришини таъминлаш улар учун асосий вазифа ҳисобланади.

Учинчи босқичда қайта тайёрланган маърузачилар томонидан ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари томонидан тавсия қилинган таянч даргоҳларда тегишли ҳудуддаги ҳамма мактабларнинг шу фанлар бўйича барча ўқитувчилари қайта тайёрлаш курсларини ўтказадилар. Курсларни ўтказиш тўғрисида Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғи ҳам чиқарилдики, агар бу ишга мутасаддилар жиддий киришмасалар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган вазифалар қоғозда қолиб кетиши мумкин. Бу эса ҳукуматимизнинг ёш авлод баркамоллиги тўғрисидаги ғамхўрлигини тушунмаслик ёки бунга лоқайд муносабатда бўлиш деганидир. Амалий машғулотларни энг намунали ҳисобланган ва лабораторияларга эга таянч мактабларда бевосита ўтказиш ҳар жиҳатдан тўғри эканлигини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳрида физика бўйича Юнусобод туманидаги 260-мактаб, кимё бўйича Яккасарой туманидаги 118-мактаб, биология бўйича Чилонзор туманидаги 162-мактаб ва Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактаблар белгиланди. Тингловчилар бу мактаб лабораторияларидаги таълим жараёни билан пухта танишгач, бой таассурот олиб қайтишларига шубҳа йўқ.

Ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган ўқув дастурлари асосида ўқитувчилар малакасини оширишнинг *мақсади* улардан таълим жараёнида самарали фойдаланишга эришишни кўзда тутади. Бунга эришиш учун ҳар бир ўқув фани мутахассиси учун тегишли ҳажмдаги қайта тайёрлаш *ўқув курслари* орқалигина эришилади. Ўқув соатлари ҳамма ажратилаётган ўқув лаборатория ускуналари турлари қанча эканлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари ва талабларнинг ҳажмига мувофиқ равишда белгиланиши лозим. Бу курс машғулотларининг қанчалик самарали бўлишини ҳал қилувчи асосий омил ўқув-лаборатория ускуналарининг ҳар бир тингловчи томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши учун уларнинг етарли миқдорда бўлишини таъминлашимиз лозим. Курсларда ўқитувчиларнинг ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланишида қуйидаги асосий шакллар бўйича пухта тайёргарлик кўришлари талаб қилинади:

1. Ўқитувчининг лаборатория ишларини намойиш қилиш усуллари.
2. Ўқувчиларнинг лаборатория машғулотларини ташкил қилиш ва назорат усуллари.
3. Ўқувчиларнинг амалий машғулотларини ташкил қилиш ва назорат усуллари.

Qaror va ijro

4. Ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларини ташкил қилиш ва назорат усуллари.

Ушбу йўналишлар бўйича ўқитувчи томонидан зарур назарий билимларни эгаллаш билан бирга, тегишли амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ушбу мутахассисликлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаётган олий ўқув юртларининг шу фанлар бўйича ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминланиши талаб даражасидами, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш мавриди келди. Шундай қилиш лозимки, институт ёки университетни битирган ёш ўқитувчи бу ускуналардан фойдаланиш малакасига эга бўлсин ва мактабга борганда талаб даражасида ўқувчилар билан биргаликда интерфаол усулларда лаборатория машғулотларини ўтказишда қийинчиликка дуч келмасин.

2004 йил сентябрь ойида қайта тайёрлов курсларига бирин-кетин тингловчилар жалб қилина бошлайди. "Каскад" усули учта босқичда ўз ниҳоясига етади. Аммо қайта тайёрлаш курслари доимо ҳаракатдадир. Ҳаттоки, у 2009 йилдан кейинги даврда ҳам давом этади. Ҳозирда барча ПҚТМОИларга шу фанлар бўйича лаборатория ускуналарининг етишмаган қисмини "Эл" очиқ ҳиссадорлик жамиятидан сотиб олиш юзасидан шартномаларни расмийлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу фанлар бўйича таълим бериш талабларини кучайтириш учун ўқитувчиларни тажрибалар ўтказиш технологияси ва методлари билан чуқур таништириш, мактабларнинг ўқув лабораториялари моддий таъминотидаги мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш учун маҳаллий имконият ва шарт-шароитлардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг лаборатория тажрибаларини замонавий даражада ташкил этишларига қатъий киришиш лозим.

С.ЗИЯЕВ,
Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент
С.УСМОНОВ,
шу институт бўлим бошлиғи, доцент

Shaxsda vatanparvarlik tuyg'ularini shakllantirishda adabiy merosning roli, ayniqsa kattadir. Uning vositasida yoshlarimiz Vatan qadrini anglab yetadilar.

ҲАР ЖИҲАТДАН ҲОЗИРЛИК

ўқув йилининг самарали ўтишини таъминлайди

Наманган давлат университетида ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг шу йил 20 майдаги «2004-2005 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги 143-сонли буйруғи ижроси таъминланмоқда.

— Навбатдаги ўқув йили вазирлигимиз томонидан «Ўқув жараёнида туб бурилиш йили» деб эълон қилинди. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Наимжон Раҳимов. — Биринчи галда университет кафедраларининг 2004-2005 ўқув йили юкламаси ҳисоблаб чиқилди. Ўқув жараёнига оид меъёрий ҳужжатлар учун буюртма берилди. Кафедраларда очиқ маърузалар ўтказиш жадвали, Давлат тест марказининг 87-02-531-сонли модемограммасига асосан эса барча кафедралар тасарруфидаги фанлардан, айниқса, бакалавриат босқичида «Умумкасбий фанлар», магистратурада «Мутахассислик фанлари» блокларидаги барча фанлардан уч вариантда тест саволлари тузилмоқда. Университет профессор-ўқитувчилари «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш тартиби»ни муҳокама қилиб, у чуқур таништирилмоқда.

Профессор-ўқитувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашмоқдалар. Бугунгача доцент М.Шаҳодатовнинг «Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия», О.Эрназаровнинг «Рим ҳуқуқи» номли илмий асарлари чоп этилди. М.Мақсудованинг «Умумий психология», «Мулоқот психологияси», Д.Нўъмоновнинг «Чизмачилик», З.Қурбонованинг «Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар психодиагностикаси», Х.Турдиевнинг «Немис тили грамматикаси» номли ўқув қўлланмалари нашрдан чиқиш арафасида. Бу ютуқларнинг асосий омилларидан бири университетда профессор-ўқитувчиларнинг илмий-услубий қўлланмаларини чоп этиш учун мақсадли маблағ ажратишнинг йўлга қўйилганлигидир.

Taraddud

Университетда жами 10 та ўқув биноси ва 4 та талабалар уйи мавжуд бўлиб, уларнинг ички ва ташқи қисмини бўяш, оқлаш, томларини, иссиқ ва совуқ сув манбаларини таъмирлаш, ёнғин хавфсизлиги мосламаларини, носоз дераза ойналарини алмаштиришга киришилган.

Хусусан, бугунгача бинолардаги 18 километрлик иссиқлик узатувчи қувурлардан 13,4 километри юқори босим устида ювилган. 3-ўқув биноси(хорижий тиллар факультети)нинг иситиш тармоғи таъмирланди. Мавжуд иссиқлик ва совуқ сув ўлчагичлар давлат стандарти кўригидан, барча электр қурилма ва ускуналар электро-техник лаборатория синовидан ўтказилган. Бундан ташқари, бош ўқув биноси, кимё-биология, физика-техника факультетлари биноларининг фасади, 8,11-ўқув биноларининг фасади ва том қисмлари, 4-талабалар уйининг ҳам том қисми таъмирдан чиқарилган. Қурилиши бошланган 600 ўринли янги ўқув биносининг биринчи қаватида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаяпти. Шу билан бирга 2-талабалар уйи капитал таъмирдан чиқарилмоқда ва унда ҳозиргача 30 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Таъмир якунлангач, 350 нафар талаба турар-жой билан таъминланади.

Янги ўқув йилига тайёргарлик сифатида университет моддий-техника базаси 25.970.000 сўмлик китоблар, 26.926.000 сўмлик мебел, оргтехника ва ўқув жиҳозлари билан бойитилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўриниб турибдики, жамоанинг янги ўқув йили учун кўраётган ҳозирлиги ўзгача. Боиси, яратилаётган шарт-шароитлар аввало, билим олувчиларга, қолаверса, билим берувчиларга ҳам жуда катта қулайликларни туғдиради.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

БОҒЧАДА СУВ ВА СПОРТ БАЙРАМИ

Акмал Икромов туманидаги бошланғич таълим-тарбия марказида тўрт ёшдан ўн бир ёшгача бўлган 240 нафар бола тарбияланади. Уларга мураббий, тарбиячилар меҳрибонлик кўрсатишади.

Бу ерда болажонларга барча шароит яратилган. Айниқса, улар туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли тадбир, танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шаҳар миқёсида бўлиб ўтган «Севимли ўйингоҳ» кўрик-танловида боғча-мактаб жамоаси иккинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда ёзнинг иссиқ дамларида боғча-мактабда сув ва спорт байрами бўлиб ўтди. Мазкур тадбир қизиқарли, ўйин-кулгига бойлиги билан болажонлар қалбида ўчмас из қолдирди.

Суратларда: сув ва спорт байрамидан лавҳалар акс этган.

Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар.

Fikr

ЖОНДАН АЗИЗДИР ОНА ТУПРОҚ!

чунки унда аждодлар хоки, авлодларнинг ҳақи бор

Ватанпарварлик — Ватанга муҳаббат, унга содиқлик, унинг эҳтиёж ва манфаатлари йўлида хизмат қилиш демакдир. Ватанпарварликнинг мазмуни жамиятдаги объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларга боғлиқ бўлгани туфайли ушбу фазилат турли жамиятда турли тарзда шаклланади ва ривожланади. Лекин бундан қатъий назар, ҳар қандай жамият шароитида ватанпарварликнинг шаклланиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи қадриятлар, омиллар мавжудки, адабий мерос ана шундай омиллар туркумига киради.

Адабий мероснинг салмоқли қисми Ватан қадрини улуғловчи ривоятлар ва ҳикоятлар билан руҳлантирилган асарлардан иборат. Ватан қадри, айниқса, Ўғузхон, Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Широқ, Спитамен, Муқанна, Маҳмуд Торобий жасоратларига бағишланган ривоятларда ёрқин ифодаланган.

Шундай ривоятлардан бирида халқ қаҳрамони Ўғузхон хусусида гап боради. Ўғузхоннинг кучли рақибларидан бири уруш очмоқ мақсадида унга турли-туман талаблар қўя бошлайди. Аввалига у Ўғузхон яхши кўрган отга оғиз солади. Хон беҳуда қон тўкмаслик учун суйган армуғонидан воз кечади.

Бироз фурсат ўтиб, баттол душман Ўғузхон жондан суйган, кўркда ягона маликасини сўрайди. Оқсоқолларнинг ҳамияти зўрлик қилиб, хондан уруш очишни талаб қиладилар, аммо Ўғузхон миллатининг қони беҳуда тўкилмасин деб, бу сафар ҳам рақибга ён беради ва маликани унга тортиқ қилади.

Ниҳоят, манфур рақиб Ўғузхон давлатига қарашли бўлган экинсиз, ўрмонсиз бир парча ерни инъом этишни сўрайди. Шунда оқсоқоллар: «Бер, шу билан нафси қонсин, даф бўлсин!», деб маслаҳат берадилар. Лекин Ўғузхон: «Ватан бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримиз ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан буёғига энди уруш қилажакмиз», дейди ва уруш очиб, рақибни енгади.

Ушбу ривоят ёш йигит ва қизларимизга Ватан қадрини теранроқ ҳис қилишга, Ватан манфаатларини ҳар қандай эҳтиёж ва манфаатлардан, зебу зийнатлардан устунроқ қўйишга ундайди.

Адабий мерос ёрдамида ёшларни Ватан манфаати йўлида хизмат қилишга чорлаш мумкин. Масалан, буюк мутафаккир Алишер Навоий шундай деб ёзади:

Тухум ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жонидан кечиб, ипак бўлди.
Лола тухумича ғайратинг йўқму?
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Ушбу мисраларни икки маънода талқин қилиш мумкин. Биринчи маъно шуки, Ватанни севиш уни кўр-кўрона кўкларга кўтариб, мақташда эмас, балки унинг куч-қудратини оширишда тинмай меҳнат қилиш, халқ, миллат манфаатлари йўлида хизмат этишда намоён бўлади. Иккинчидан, ушбу мисралардан ҳисса шуки, ўз Ватани учун миннатдорчилик тимсоли сифатида лоақал бир дарахт кўкартириб қолдиришнинг уддасидан чиқа олмаган кишининг ерга кириб, чечак бўлган тухумчалик ғайрати, жонидан кечиб, ипак бўлган қуртчалик ҳиммати йўқ. Бинобарин, бундай зотдан ватанпарварликни кутиб бўлмайди.

Бугунги кунда ижод қилаётган ўзбек шоирлари ва ёзувчиларининг асарлари ҳам ёшларимизда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда қудратли восита вазифасини ўтайди. Ушбу асарлар шахснинг ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш билан бирга уни Ватан манфаати йўлида фаолият кўрсатишга, Ватан равнақи учун ўз ҳиссасини қўшишга ундайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шахсда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда адабий мероснинг роли, айниқса, каттадир. Унинг воситасида ёшларимиз Ватан қадрини англаб етадилар. Ватан тақдирини чуқур ҳис эта бошлайдилар. Ана шундай хусусиятларга эга бўлган ватанпарварлик туйғуларигина ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маданий ислоҳотларда фаол иштирок этишга ундайди.

Бўритош НОСИРОВА,
ўқитувчи

Мусиқа оҳанги остида ўқувчи қиз (миллий кийимда):

— Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,

Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.

Ўқувчи бола (миллий кийимда):

— Янги жамият қуриб, дунёга ўрнак бўлгани,

Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма бир жону, бир тан!

Қиз: — Мунда меҳнат ҳурлик олган, барча меҳнат аҳли — ҳур!

Кимки меҳнат қилса — қувноқ, кимки меҳнат қилса — шаён!

Йигит: —Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл!

Кимки қасд этса анга, кийсин пушаймондин кафан!

Муҳаббатим қандай исботлай?

Тожимаҳал қурдирайми ё?

Нодира: — Азизим, Оллоҳ мени сиздай зотга етказди.

Таърифингиз битмакка қўлга қалам тутқазди.

Дуои жонингизни тилаб кунда Худодан,

Ғазаллар битгум сизга араб, форсий, туркода.

Аммо-лекин бир армон мени ўртайди ҳамон.

Умархон: — Айтинг ахир маликам, нима ўртар, нима ғам?

Нодира: — Ҳўқанддан Андижонга Қорадарёни бурсангиз,

Азизим, улусга сув эркини берсангиз.

Вақтлар келиб қулайди ўшал гўзал қасрлар,

Сув ичган юрт-чи, ёдлар

Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Файзуллолар бор қанча.

Қиз: — Биз мустақиллигимиз учун ўз жонини қурбон қилган ота-боболаримиз номларини ҳамиша ёдда сақлаймиз.

Йигит: — Эътиборингизга "Эрк учун курашган ўзбекнинг мард ўғлони" саҳнасини ҳавола этамиз. Марҳамат, томоша қилинг.

Қиз: — 1937 йил 31 август куни кечқурун Ўзбекистон Шўро ёзувчилар уюшмасининг машъум IV пленуми очилди.

Йигит: — Унда Элбек, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Зиё Саид, Анқабой, Отажон Ҳошим кабилар "халқ душманлари" деб қораланганлар ва ҳибсга олинганлар.

Maktab sahnasi uchun

ВАТАН МУСТАҚИЛЛИК НУРИГА ТЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СЦЕНАРИЙ

(Ватан ҳақида қўшиқ ижро этилади).

Ассалом, эй,
мустақил юрт,
Порлоқ истиқбол,
ассалом.
Қадди-бастингни
баланд тут,
Кўрмагин завол,
ассалом.

Йигит: — Бу ўлкада улуғ тантана,

Байрамингга йиғилдик яна.

Ўн уч йил — бу улуғ сана,

Топавер камол, ассалом.

Қиз: — Ассалому алайкум! Мустақиллигимизга бағишланган байрам кечасига ташриф буюрган азиз меҳмонлар, муҳтарам устозлар, ҳурматли ўқувчилар.

Йигит: — Ажойиб файзли даврамизга хуш келибсиз.

Қиз: — 1991 йил 31 август Тошкентда Республика Олий кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Йигит: — 1 сентябрь — Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

Қиз: — Мана шу улуғ айём билан табриклаш учун сўзни маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарига берамиз. Марҳамат.

(Рақс дастаси "Ҳумо қуши парвози" рақсини ижро этади).

Йигит: — Ўзбекистон тупроғи улуғ боболардан мерос,

Улуғ боболар ўтган олис дунёлардан мерос.

Қиз: — Бу тупроқ Ватан бўлур ўзбекка то борки қуёш,

Не тонг, у Одам Атою Момо Ҳаволардан мерос.

(Нодира ва Умархон диалоги ижро этилади).

Умархон: — Хоним, нечун маъюс, ўйдасиз?

Нечун шаҳло кўзингизда нам?

(Атрофдагиларга назар ташлаб)

Қай бирингиз ранжитдингиз?

Ё бизлардан ўтдими алам?

сизни бутун асрлар.

Умархон: — Бибихоним авлодисиз, жуда ўткир зеҳнингиз.

Маликаи муҳтарама, маъқул келди фикрингиз.

Юртни йиғиб, ариқ қазиб, бош бўласиз ўзингиз.

Нодира: — Фармонлари қутлуғ бўлғай, ёруғ бўлғай юзимиз.

(Таъзим билан чиқиб кетишади)

Қиз: — Муқаддас оғушида ётар қанча аҳли туроб,

Аҳли миллат маскани – умри бақолардан мерос.

Ўзга суви даркор эмас, оби ҳаёти унинг

Волидамиз Сирдарёю Амударёлардан мерос.

Йигит: — Ўз эркимиз йўқотган замон,

Зарбдан Орол қолмади омон.

(Қўшиқ. "Асранг она табиатни")

Қиз: — Гуноҳсиз гўдаклар додига қасам,

Оч-юпун етимлар ёдига қасам.

Жафокаш ишчилар меҳнати ҳақи,

Эрки йўқ эзилган мазлумлар учун,

Кафансиз кўмилган марҳумлар учун — Қасамёд!

Йигит: — Ўзаро нифоқу низолар бисёр,

Ирода мулкини айлаган абгор.

Бу эски тузумни этгали барбод,

Шаҳидлар қони-чун, Ватан шони-чун!

Истиқлол номига, эй шонли авлод,

Биз энди қилайлик қатъий қасамёд!!!

Қиз: — Мустақиллик шабадаси мана эсди Ватанда,

Эркин ҳаёт нашидаси жўш уради ҳар танда.

Йигит: — Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор қанча,

(Парда очилади. 1-кўриниш).

Кечаси. Усмон Носир шам ёруғида ижод қилаяпти. Синглиси Роҳатхон чой олиб киради. Чой қуйиб, акасига узатади: — Акажон, чой.

Усмон Носир: — Раҳмат, синглим. (Чойни ҳўплаб.) Сенга бир нарса ўқиб берайми? Мана, эшитгин:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг,
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

(Ўқиб бергач, яна ёзмоққа киришади.)

Роҳатхон: — Қизиқ, ака, нега чап қўлда ёзасиз?

Усмон Носир: — Чап қўл юракка яқин-да, синглим. Бирдан шовқин кўтарилиб, «Оч эшикни, оч!» деган дўқ эшитилади.

Роҳатхон: — Вой, ким бўлди? Ким бақиряпти?

Усмон Носир саросимада, кўнгли ёмонликни сезгандай: — Роҳатой, мана буларни олиб, яшириб қўй. Ҳеч кимга бермайсан. (Улар нарсаларни йиғиштириб улгурмай икки ёт киши бостириб киради.)

Биринчи киши: (варақларни титкилаб) — Яна битта исёнкор шеър.

Иккинчи киши: — Бари туҳмат.

Шоирнинг онаси: — Вой, тўхтанг, кимсизлар, берухсат кириб келаверасизларми?

Биринчи киши: — Бизга ҳамма жойга киришга рухсат бор, кампир.

Усмон Носир: — Онажон, сиз безовта бўлманг. Бу муҳтарам "зот"лар менинг олдимга келган бўлишлари керак. Хўш, хизмат, "ўртоқ"лар.

Биринчи киши: — Ўртоқ эмиш. Сен бизга ўртоқ бўлолмайсан.

Иккинчи киши: — Биз миллатчи билан биродар бўлолмаймиз.

Усмон Носир: — Тўғри, бизнинг қонимиз қўшилмайди. Фарқимиз катта. Мен ўз миллатининг, ўз халқининг оёғига болта урадиганлардан эмасман.

Биринчи киши: — Кўп валдирама, тайёргарлигингни кўр, сен биз билан кетасан. Мана сени ҳибсга олиш учун буйруқ.

(Усмон Носир улар билан чиқиб кетади. Онаси билан синглиси йиғлаб қоладилар).

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

"Усмон Носир, сўроққа" деган овоз эшитилади. Қўллари кишанланган шоирни терговчи қошига олиб кирадилар.

Терговчи: — Ҳа, шоир Усмон Носир — ашаддий "халқ душмани".

Шоир: — Йўқ. Ундай эмас.

Терговчи: — Туғилган йилингиз?

Шоир: — 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида ҳунарманд оиласида.

Терговчи: — Сиз аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг фаол аъзоси сифатида қамоққа олингансиз. Агар терговда ташкилот аъзоларини айтиб берсангиз, айбингиз енгиллашади.

Шоир: — Мен ундай ташкилотни билмайман. Ҳеч кимни сотмоқчи ҳам эмасман.

Терговчи: — Тергов аксилинқилобий топшириқларни бажарганингиз ҳақида маълумотга эга.

Шоир: — Мен бундай ташкилотни ҳам, вазифаларини ҳам билмайман.

Терговчи: — "Меҳрим" тўплами сизникими?

Шоир: — Меники.

Терговчи: — Ана, унга миллатчилик руҳидаги шеърларни киритганингизни ҳам рад этасизми?

Шоир: — Ушбу тўпламга юрак дардларим битилган шеърларни киритганман. Улар менинг меҳрим билан йўғрилган. Шеърларим — менинг фарзандларим. Уларга озор берманг.

Терговчи: — Буюк рус шоири Пушкиннинг асарларини бузиб таржима қилганингизни ҳам тан олмассиз?!

Шоир: — Мен учун азиз ва қадрли бўлган Пушкин шеърларини бузиб таржима қилган эмасман.

Терговчи: — Сизнинг устингиздан Анқабой Худойвоҳидов, Мўминшо Усмонов, Фитрат, Қосим Сорокинлар кўрсатма беришган. Улар (овозини пасайтириб) сизнинг миллатчилик ҳаракатингизни исботлаб беришди.

Шоир: — Ёлғон! Бари туҳмат. Ишонмайман. Сендайларга ўлим!

Терговчи: — (Жаҳли чиқиб) Бақирма, аҳмоқ. Олиб чиқинглар. Айбига иқрор бўлмагунича калтаклайверинглар.

Шоир: — Уҳ, иблис, сен ҳам инсонми?! Сен халқ қўйнига кириб олган заҳарли илонсан. Нон-туз ҳаром қилгур, чаён!

Терговчи: — Олиб чиқинг. Уринг, ўлгудай уринг.

Шоир: — Хато қиласизлар. Мен ўлмайман. Бизларни ўлдиролмайсиз. (Олиб чиқиб кетишаётганида баралла овоз билан шеър ўқийди):

Баргдек узилиб кетсам,

Унутмас мени боғим.

Шеърларим янграб қолур,

Бир умрга ўлмайман.

(Парда ёпилади)

Йигит: — Ўзбекман, қанчалик жафо чекмайин.

Ўзимга ҳақ бўлдим, ўзимга ҳақман.

Яшадим ёвларга бўйин эгмайин,

Бу кун ўз эркига эришган халқман.

(Қўшиқ. "Ўзбегим")

Қиз: — Омон бўлсин Юртбошимиз, истиқлолга йўллади.

Юртим, халқим деганларни Темур руҳи қўллади.

Йигит: — Шукрким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон,

Яъни ўзбек давлати жумлаи жаҳон бўлди.

Қиз: — Мустақиллик! Қутлайман сени,

Бор санъатим, баётим билан.

Йигит: — Мустақиллик, асрайман сени,

Керак бўлса, ҳаётим билан.

Йигит - қиз: — Ватан Мустақиллик нурига тўлсин,

Жаҳон харитаси мукаммал бўлсин.

Театрлаштирилган байрам намойиши "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" қўшиғи билан якунланади.

Эслатма: Саҳнаномани тузишда В.Тюриков ва Р.Шоғуломовнинг "Мустақил Ўзбекистон Республикаси", Наим Каримовнинг "Усмон Носирнинг сўнгги кунлари" китобларидан, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф ҳамда ҳаваскор шоирларнинг шеърларидан фойдаланилди.

Бахтиёржон ҚЎЛДОШЕВ,
Андижон вилоят ПҚТМОИ тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси,
Соҳибахон ҚЎЛДОШЕВА,
Асака туманидаги 46-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси

Jumladan, "Qizilqumsement" aksionerlik jamiyati 300 million so'mlik, "Navoiyazot" korxonasi 100 million so'mlik homiylik yordami ko'rsatishdi. Homiylar mablag'larining muayyan qismi maktablar uchun darsliklar va badiiy adabiyotlar sotib olishga yo'naltirilayapti.

ЭРТАНГИ КУН БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Мактаблар куни" — бунёдкорликлар ибтидоси

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда бутун йил давомида ўтказиб келинаётган "Мактаблар куни" халқ таълими тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда самарадорликни таъминловчи ҳаракатлантирувчи кучга айланди. У йирик корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар ва тадбиркорлик субъектлари имкониятларини халқ таълимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Биргина якунланган 2003-2004 ўқув йилида "Мактаблар кун"и натижасида таълим муассасаларига қарийб 2 миллиард сўмлик турли ҳомийлик кўмаги кўрсатилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Халила Якубаев. — Бу тадбир шарофати билан мактабларнинг моддий-техника базаси янада яхшиланиб бормоқда. Навоий конметаллургия комбинати ҳомийлигида Зарафшон шаҳридаги ўн иккита мактаб капитал таъмирланаяпти, Навбаҳор туманида 834 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб қурилмоқда. Бундан ташқари, кончилар Конимех туманидаги иккита мактабнинг спорт залларини капитал таъмирлаяпти. Халқ таълими тизимига ҳомийлик қилишни ўзларининг Ватан, жамият олдидаги шарафли бурчи, деб билган корхона, ташкилот ва бирлашмалар сони ортиб бормоқда. Жумладан, "Қизилқумцемент" акционерлик жамияти 300 миллион сўмлик, "Навоийазот" корхонаси 100 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатишди. Ҳомийлар маблағларининг муайян қисми мактаблар учун дарсликлар ва бадиий адабиётлар сотиб олишга йўналтирилаяпти. "Мактаблар куни"да ва ўтказилган хайрия тадбирларида ҳомийлар ҳамда ота-оналар томонидан бир миллиард сўмликдан ортиқ дарсликлар ва бадиий адабиётлар харид қилиниб, кутубхоналар фондига киритилди. Бундай хайрли тадбирларда вилоят "Қоракўл" бирлашмаси, Конимех туманидаги "Сарибел" ва "Маданият", Учқудуқ туманидаги "Узунқудуқ" ширкат хўжаликлари ибрат кўрсатишаяпти. Қилинаётган амалий ишлар кутилган самарани бермоқда. Бугунги кунда вилоят таълим муассасаларининг дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланиш даражаси нашрдан чиққан дарсликларга нисбатан тўқсон фоиздан ортиқни ташкил этаяпти. Бу 2003 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб ўн беш фоизга кўп демакдир.

Вилоятда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларда ахборот технологияларининг жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада вилоят замонавий ахборот компьютерларини таълимга жорий этиш, халқаро ахборот тизими "Интернет"га уланиши бўйича республикада олдинги ўринларга чиқиб олди. Айни пайтда туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ва бошқа таълим муассасалари вилоят халқ таълими бошқармаси билан модем, факс, электрон почта орқали боғланган. Вилоятдаги аксарият мактаблар Давлат тест маркази билан алоқа ўрнатган бўлиб, бу битирувчи синфлар ўқувчиларининг олий ўқув юртларига киришлари учун пухта тайёрланишида катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги ихтисослашган мактабларда ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Айни пайтда ана шундай еттита илм даргоҳида 2000 нафардан кўп иқтидорли ўғил-қиз фанлар асосларини пухта эгаллаяпти. Ўтган йили ихтисослашган мактаб интернатлар битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириши етмиш беш фоизни ташкил этди.

"Олимпиада заҳираси мактаблари" билимларни тоблайди

Вилоятда "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси эришилаётган натижаларда ўз ифодасини топмоқда. Ўтган йили умумтаълим мактаблари битирувчиларининг қарийб ўттиз фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинди. Жорий йилда эса бу рақамнинг янада ошиши кутилмоқда. Негаки, бу ерда ўқувчи-ёшларнинг билим савиясини юксалтиришга қаратилган кўплаб янгиликларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганлиги шундай дейишимиз учун асос бўлади.

2003-2004 ўқув йилида вилоятда республикада биринчи марта "Олимпиада заҳираси мактаблари" ташкил этилди. Ўқувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлаш, билим савияларини ўстиришда бундай мактаблар муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда вилоятда ана шундай 11 та мактаб фаолият кўрсатаяпти. Ўтган ўқув йилида бу мактабларга 1134 нафар иқтидорли ўқувчи жалб этилган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 2500 нафарга етди. Шу йилги III босқич вилоят фанлар олимпиадасида иштирок этган ўқувчиларнинг 646 нафарини шу мактаблар ўқувчилари ташкил этди. Мактаб ўқувчиларидан қизилтепалик Жамшид Узоқов кимё фанидан республика олимпиадаси ғолиби бўлди. Нуроталик Дилноза Раҳматова эса тожик тили ва адабиёти фани бўйича фахрли 2-ўринни эгаллади.

Ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш ишлари йил сайин такомиллашаяпти. Шу боис бу йилги Республика фан олимпиадасида навоийлик ўқувчилар бир йил олдинги 7-ўриндан фахрли 3-ўринга кўтарилишди. Вилоят вакилларининг халқаро фан олимпиадалари ва танловларидаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Кармана туманидаги 10-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Афзал Қулмуродов математика фани бўйича Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган халқаро фан олимпиадасида муваффақиятли иштирок этди. Навоий шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Феруза Шукурбекова рус тили фанидан Москвада ўтказилган халқаро фан олимпиадасида қатнашиб, 1-даражали диплом ва ғолиблик медали билан тақдирланди. Бундан ташқари, 2003-2004 ўқув йилида АКСЕЛС танловида ғолиб чиққан тўрт нафар ўқувчи АҚШ мактабларида таълим олишга муваффақ бўлди. Бу йил эса шундай танловда 11 ўқувчи ғолиб чиқиб, АҚШга жўнаб кетиш арафасида турибди. Шунингдек, вилоятда педагогик фаолиятда халқаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа туманидаги мактабларда АҚШнинг Тинчлик корпуси вакиллари Шири Хан Вас, Саммери Джонстоун, Ник Стивенлар ҳамкорликда иш олиб боришаяпти.

Мана иккинчи йилдирки, вилоят халқ таълими бошқармасининг мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган "Истиқбол ғунчалари" газетасида аниқ фанлар бўйича "Сиртқи олимпиада" ташкил этилган. Газета саҳифаларида ўқувчиларга тест саволлари мунтазам чоп этиб борилмоқда. Улар эса жавобларини вилоят ташкилий қўмитасига юборишаяпти. 2002-2003 ўқув йилида "Сиртқи олимпиада"да 111 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, бир йилдан сўнг уларнинг сафи яна 368 тага кўпайди. Қизилтепа туманидан Мансур Камолов ва Умид Шомуродов, навбаҳорлик Гулноза Эшонова, карманалик Нафиса Бўтаева, Навоий шаҳридан Сардор Бекназаровлар математика, информатика, биология, кимё ва физика фанларидан бу йилги сиртқи олимпиада ғолиблари бўлишди.

Илғор технологияларга — кенг йўл

Вилоятда бугунга келиб 2000 нафардан кўп ўқитувчи илғор педагогик технологиялар асосида ишлаяпти. Айниқса, Зарафшон шаҳрида бу борада ўзига хос тажриба тўпланган ва бу Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таълим маркази илмий-услубий кенгаши томонидан маъқулланганлиги эътиборга сазовордир.

2003-2004 ўқув йилида шаҳарда илғор педагогик технологиялар бўйича ишлаётган ўқувчилар сони 1,5 баробарга ортди. Уларнинг иш тажрибаси шаҳар ва вилоят миқёсидаги семинар-кенгашларда ўрганилмоқда. Жумладан, 1-мактабда "Математика, физика фанларини ўқитишда дарс ўтишнинг ноанъанавий турларидан фойдаланиш", 13-мактабда "Бошланғич синфларда таълим-тарбия жараёнини инновацион методларда ташкил этиш", 2-мактабда "Қозоқ тили ва адабиёти фанларини ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш", 4-мактабда "Миллий мактабларда рус тилини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш" мавзуидаги тажрибалар кўпчилик томонидан эътироф этилди. Зарафшонлик педагоглар ўз фаолиятларида илғор давлатлар тажрибасини қўллашга ҳам алоҳида эътибор беришаяпти. Жумладан, шаҳардаги ихтисослашган мактаб ўқитувчиси Наргиза Равшанова Халқ таълими вазирлиги ҳамда АКСЕЛС (АҚШ) ташкилоти ҳамкорлигида "Инглиз тилини ўқитишда аълочилик" дастури бўйича танловда ғолиб чиқиб, АҚШда ўз педагогик тажрибасини бойитиб қайтди.

— Илғор педагогик технологиялар вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида кенг жорий этилмоқда, — дейди вилоят ХТБ ҳузуридаги услубият маркази директори Бобонор Нортожиев. — Илғор педагогик технологиялар асосида ишлаётган ўқитувчиларнинг 2003 йил июнь ойида ўтказилган биринчи вилоят анжумани тавсиялари бўйича кўплаб таълим муассасаларида ибратли ишлар қилинди. Масалан, Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим ўрта мактаби илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича шаҳарда тажриба-таняч мактаби этиб белгиланди. Мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси М. Пўлатовнинг "Фаолият ўйини", кимё фани ўқитувчиси Н. Муродовнинг "Тадқиқот", инглиз тили ўқитувчиси Д. Тонготарованинг "Фаол тинглаш" услублари ёш мутахассислар учун услубий амалиёт вазифасини ўтамоқда. Мактабда илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича тўпланган тажрибалар асосида "Илғор педагогик технологиялар асослари" услубий қўлланмаси ишлаб чиқилди. 2003-2004 ўқув йилида вилоят ХТБсида ва 10 та туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари қошида "Илғор педагогик технологиялар маркази" ташкил этилиб, тақдимот маросимлари ўтказилди.

Вилоят услубият марказида илғор педагогик технологиялар тўғрисида маълумотларнинг электрон банки яратилган бўлиб, унга 80 га яқин энг яхши дарс ишланмалари жойлаштирилган. Банкдан, шунингдек, барча ўқув предметлари бўйича тестлар ўрин олган. 2003-2004 ўқув йили олдидан вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда 10-11-синфлар учун ўқув режаси дастури ва тегишли тавсиялар мактабларга етказиб берилди. Марказ мутахассислари томонидан якунланган ўқув йили мобайнида 48 та тавсиянома ишлаб чиқилди. Жумладан, тиллар ва адабиёт бўлими томонидан "Диктантлар тўплами" (таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактаблар учун), "Тест ва унинг янги шакллари", "Оилавий меҳрибонлик уйларида тўгарак машғулотларини ташкил этишда янгича ёндашув" каби услубий тавсиялар тайёрланди. Улар ўз вақтида электрон почта орқали жойларга етказилиб, бошқарма муассислигидаги "Зиёкор садоси" газетасида чоп этилиб борилмоқда. Бундан ташқари, "Энг яхши дарс ишланмалари" вилоят кўрик-танлови ўтказилиб, унда юқори ўринларга муносиб топилган дарс ишланмалари алоҳида рисола шаклида чоп этилмоқда ва анъанавий август кенгашларида ўқитувчиларга услубий тавсия сифатида тақдим этилади.

Бўш вақт – хуш вақт

Ҳозирги пайтда вилоят мактабларида 200 мингдан ортиқ ўғил-қиз тарбия олаяпти. Уларнинг дарсдан бўш пайтларини тўғри ташкил этиш мақсадида етти мингга яқин фан, касб-ҳунар ва спорт тўгараклари ташкил этилган. Ўқувчиларнинг билимдонлик қобилиятини янада ўстириш, иқтидор ва истеъдодларини ривожлантириш мақсадида Навоийдаги ўқувчилар ижодиёт марказида "Заковат" интеллектуал баҳс клуби ташкил этилди. Унда вилоятнинг барча туманларидан келган ўқувчи-ёшлар ўз билимларини янада мустаҳкамлашаяпти.

Ўғил-қизлар бўш вақтларининг кўнгилли ва фойдали ўтишида жисмоний тарбия ва спорт тўгаракларининг фойдаси катта бўлмоқда. Бу борадаги ишлар, айниқса, Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгашининг "Вилоятда болалар спортини ривожлантиришнинг 2003-2005 йилларга мўлжалланган комплекс дастури тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилингач, янада жонланди. Ижобий натижалар ўзини узоқ куттирмади. 2002 йилда республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақасида вилоят вакиллари 18 та медаль олган бўлсалар, 2003 йилда уларнинг сони 68 тага етди. Бу йилги натижалар эса янада юқори бўлди. 8 нафар навоийлик ўқувчи мусобақалар ғолиби сифатида мамлакатимизнинг тегишли олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз қабул қилинадиган бўлди.

Истиқболнинг мустаҳкам асоси

— Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари ўз ифодасини топган қарорини ҳеч муболағасиз мамлакатимизда халқ таълими соҳаси истиқболининг мустаҳкам асоси дейиш мумкин, — дейди бошқарма бошлиғи Х. Якубаев. — Унинг ижроси эса зиммамизга қўшимча равишда катта масъулият юклайди. Давлат умуммиллий дастурига асосан вилоятимизда 10 та янги мактаб барпо этилиши, 78 та таълим-тарбия маскани қайта қурилиши, 140 та мактаб эса капитал таъмирланиши режалаштирилган. Айни пайтда 34 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозиргача бу борада бюджет ҳисобидан 700 миллион сўмга яқин, ҳомийлар кўмагида 50 миллион сўмлик иш бажарилди. Навбаҳор ва Кармана туманларида 2 та мактаб биноси янгидан қурилмоқда. Жорий таъмирлаш ишлари эса барча мактабларда амалга оширилаяпти. Дастурнинг белгиланган муддатда тўла уддаланишига эса шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Негаки, вилоятда бунинг учун имконият етарли. Асосийси, Навоий вилоят халқ таълими ходимларининг анъанавий август анжумани бу йил ҳар доимгидан ўзгача уйғоқ ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтганлиги билан аҳамиятли бўлди. Кенгаш давомида юқоридаги каби ўнлаб муаммолар ўртага ташланди ва атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирнинг биринчи куни илғор ўқитувчилар, ёш мутахассислар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ҳамда "сиртқи олимпиада" ғолибларини вилоят ҳокими Баҳриддин Рўзиев қабул қилди. У заҳматкаш мураббийларнинг шарафли меҳнатларини эътироф этди.

Дарҳақиқат, Навоий вилояти ўз касбининг чинакам усталари бўлган маҳоратли ўқитувчиларга бой. Навоийлик Ҳожибегим Очилова, Назира Юсупова, Нажмиддин Муродов, Дилфуза Тонготарова, зарафшонлик Наргиза Равшанова, хатирчилик Мустафо Ортиқов, қизилтепалик Гулчеҳра Худойназарова, Сайдулла Исматов, Ҳабиба Бобомуродова, карманалик Маҳлиё Саидова сингарилар шулар жумласидандир. Биз уларнинг қай бири билан суҳбатлашмайлик, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан халқ таълими соҳасига, ўқитувчи меҳнатига эътибор ва ғамхўрлик тобора кучайтирилаётганлигидан мамнунликларини яширишмади. Бу янада катта куч-ғайрат сарфлашга, масъулиятли бўлишга даъват этаётганлигини таъкидлашди. Зеро, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки улар ва уларнинг ҳамкасблари ватанимизнинг эртанги куни эгаларини, бунёдкор авлодни вояга етказишаяпти!

Олим ХЎЖАЕВ

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi maktab o'quvchilari bilan qo'shimcha mashg'ulot darslarini o'tkazish uchun maktab komponentidagi soatdan foydalanishga, haftasiga 3 soatgacha, agarda qayerda imkoniyat bo'lsa, 4-5 soatli jismoniy tarbiya soatlarini o'tishga ruxsat etdi.

MAVZULAR QANDAY REJALASHTIRILADI?

"Ta'lim to'g'risida"gi qonun hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi talablari va Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 16-avgustdagi "Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 390-sonli qarorini bajarish maqsadida Xalq ta'limi vazirligining "Umumta'lim maktablari uchun o'quv-rejani tasdiqlash to'g'risida"gi 70-sonli buyrug'i (ta'lim qaysi tilda olib borilishidan qat'iy nazar) chiqdi. O'quv-reja joriy yilda 11-sinflarning yangi dastur asosida o'qitilishiga mo'ljallangan. O'quv-reja tarkiban davlat va maktab komponentlaridan iborat bo'lib, 11-sinflar uchun maktab ixtiyoriga 6 soat berilgan. Ushbu soatlardan o'rganilgan nazariy bilimlar asosida amaliy ko'nikma va malakalarni takomillashtirishda foydalanish tavsiya etildi.

Umumta'lim maktablarining 11-sinflari uchun 2004—2005 o'quv yilidan boshlab amal qilinadigan fanlar bo'yicha o'quv dasturlarining bir qismi, ya'ni o'zbek tili, ona tili, adabiyot, xorijiy tillar (ingliz, fransuz, nemis), rus tili(milliy maktablar uchun), rus tili(rus maktablari uchun), adabiyot (rus maktablari uchun), huquqshunoslik bo'yicha o'quv dasturlari "Ta'lim taraqqiyoti" jurnalining 3-sonida e'lon qilindi. Jurnalning 4-sonida esa O'zbekiston tarixi, jahon tarixi, iqtisodiyot va biznes asoslari, fizika, astronomiya, kimyo, umumiy biologiya, algebra va analiz asoslari, geometriya, informatika va hisoblash texnikasi asoslari, milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar fanlari bo'yicha o'quv dasturlari e'lon qilinadi.

O'qituvchilarning an'anaviy Avgust kengashlari fan sho'ba yig'ilishlarida fanlar bo'yicha dasturlarning muhokama etilishi va yangi o'quv yili uchun mavzularni rejalashtirish ishlarini osonlashtirish maqsadida gazeta sahifalarida ayrim fanlar bo'yicha o'quv dasturlarining qisqartirilgan shakli e'tiboringizga havola qilinayapti. Qolgan barcha fanlar bo'yicha o'quv dasturlarining to'liq matni "Ta'lim taraqqiyoti" jurnalining kelgusi sonlarida e'lon qilinishini ma'lum qilamiz.

Respublika ta'lim markazi

JISMONIY TARBIYA

(XI SINF)

Uqtirish xati

Ushbu dastur O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, Vazirlar Mahkamasining "O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risida"gi qaroriga asosan, 9 yillik hamda umumiy o'rta ta'lim har bir bosqichida yetuk kadrlar tayyorlash bo'yicha jismoniy tarbiya kontsepsiyasi hamda "Davlat ta'lim standarti"ga mos ravishda qayta tuzilmoqda.

Maktabda haftasiga 2 soat o'tkaziladigan jismoniy tarbiya darsi bola organizmiga to'laqonli yuklama berish uchun yetarli emasligini, hamda ilmiy tadqiqotlarga asosan o'quvchilarning kundalik harakatiga bo'lgan fiziologik ehtiyojini 45 daqiqa jismoniy tarbiya darsi faqatgina 11% qondira olishini, natijada bola organizmining biologik talabi qoniqmasligini inobatga olib, Xalq ta'limi vazirligi maktab o'quvchilari bilan qo'shimcha mashg'ulot darslarini o'tkazish uchun maktab komponentidagi soatdan foydalanishga, haftasiga 3 soatgacha, agarda qayerda imkoniyat bo'lsa, 4-5 soatli jismoniy tarbiya soatlarini o'tishga ruxsat etdi.

2003-yil 4-iyunda o'tkazilgan O'zbekiston Bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi homiylik kengashi yig'ilishi bayonining 3-bandida: umumiy o'rta ta'lim maktablarida jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish borasida o'quv jarayonining har bir bosqichida, o'quv muassasalarida hafta davomida jismoniy tarbiya darslari hajmini ko'paytirish masalalarini qayta ko'rib chiqish kerakligi qayd etilgan edi.

Shuni inobatga olib, ushbu dasturda berilgan "Jismoniy tarbiya fanidan XI sinflar uchun dastur bo'limlari va o'quv soatlarning yillik taqsimoti" jadvalining 2 xil variantini taqdim etdik.

Shuningdek, yuqori sinflarda ham maktab rahbariyati bilan kelishilgan holda va maktabning ish sharoiti hamda imkoniyatidan kelib chiqib, qo'shimcha mashg'ulotni joriy qilish tavsiya etildi.

Maktab sharoitidan kelib chiqqan holda, maktab ixtiyoridagi soatlardan olib, jismoniy tarbiya darslarini bir soatga ko'paytirish; darslarni ko'paytirishga sharoiti bo'lmagan maktablarda ushbu soatlarni sport seksiyalariga berilishi tavsiya qilinadi.

Umumta'lim maktablaridagi jismoniy tarbiya va sportni amalga oshirishning umumiy rahbarligi va javobgarligi maktab direktori hamda ilmiy mudiriga yuklatilgan.

Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilingan qarorlariga muvofiq o'quvchilarning salomatligini yaxshilash va mustahkamlash, jismoniy tayyorgarligini oshirish, maktab kun tartibida o'tkaziladigan jismoniy sog'lomlashtirish ishlarini amalga oshirish va uni nazorat qilish uchun maktab direktori boshchiligida jismoniy tarbiya sport klubi tuziladi.

Sport klubi: direktor, xo'jalik ishlarining mudiri, o'quv ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari, chaqiriqqacha yoshlarni tayyorlash rahbari, tibbiy xodim fan o'qituvchilari va yuqori sinf o'quvchilari hamda ota-onalar, oshxona vakillaridan tashkil etiladi.

Sport klubining asosiy vazifasi "Sport klubi Nizomi"da belgilab berilgan. Jumladan: dasturning to'la bajarilishini, har yili ikki marta o'quvchilarni o'z vaqtida tibbiy nazoratdan o'tkazish, ularning jismoniy tayyorgarligini sinab ko'rib, ota-onalarga yo'l-yo'riq berish, rejalashtirilgan ishlarning amalga oshirilishini nazorat qilish va hokazolar kiradi.

Xalqimizning urf-odatlari va milliy an'analariga ko'ra, yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, o'quvchilarning jinsiga qarab sinfni ikki guruhga bo'lish masalasi ham hal etilgan. Qiz bolalar bilan (9-11-sinflarda) darsni ayol o'qituvchi olib borishi ma'qul deb topilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1996-yil 17-yanvardagi 27-sonli "O'zbekistonda futbolni rivojlantirishning tashkiliy asoslari va prinsiplarini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi, shuningdek, 1998-yil 27-maydagi 271-sonli "O'zbekistonda jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari, 1996-yil 26-yanvardagi O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi hay'atining "O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimidagi o'quvchilar va bolalar o'rtasida bundan buyon futbolni rivojlantirish to'g'risida"gi qarori asosida birinchi marta maktab Dasturiga futbol bo'limi kiritildi. Futbol mashg'ulotlariga har o'quv yilida 10-12 soat ajratildi.

Gimnastika bo'yicha jihoz, anjom-uskunalardan foydalanib dars o'tkazish imkoniyati bo'lmasa, gimnastikaning yordamchi turlaridan (brus turnik, yakka cho'p va h.k.) foydalanishga ruxsat etiladi. Qizlar uchun esa ritmik gimnastika, raqs mashqlari, atletik gimnastika, trenajer uskunalarida bajariladigan mashqlar, akrobatik mashqlar (chaqqonlik, jasurlik, tezkorlik sifatlarini rivojlantiradi) kabi mashg'ulotlarni o'tkazish zarur.

Qo'shimcha tarzda har qaysi sinf uchun quyidagi majburiy mashqlar beriladi:

— gardish (obruch)ni belda aylantirish, sakragichda necha marta gavdani tayanch holatida ushlab, qo'llarni bukish, yozish.

O'g'il bolalarga maktabning salomatlik maydonida quyidagilar bajartiriladi:

- gimnastika devorlarida tepaga va pastga chiqib tushishlar; qo'llarga tayangan holda brusda harakatlanish, turnikda kuchni rivojlantiruvchi mashqlar, gimnastik buyumlardan hosil qilingan to'siqlardan o'tish, gantellar, toshlar, trenajerlar bilan bajariladigan mashqlar, atletik gimnastika yakka kurash elementlari va boshqalar.

Dasturni to'liq bajarishga sharoiti bo'lmagan maktablarda ma'muriyat bilan kelishilgan holda unga dasturga kiritilgan turlari bo'yicha ayrim (yoki qisman) o'zgartirishlar kiritish mumkin. Masalan, dasturdagi gimnastika bo'limini o'rgatishga imkoniyat bo'lmagan (anjom-uskunalar, kurash zali, to'shaklar, mutaxassislar yo'qligi va h.k.) maktablarda ushbu turlarni futbol, aylanma usul mashg'ulotlari, estafetali yugurishlar, himoyali yakka kurash kabilar bilan almashtirish lozim. O'qituvchi buning uchun shunday turlardan ijodiy foydalanishi, ya'ni noqulay sharoitlarda ham mashg'ulotlar, harakatli o'yinlarni tashkil etish va o'tkazishni uddalay olishi zarur. Masalan, qizlar uchun – ritmik gimnastika, raqs mashqlari, atletik gimnastika, trenajerlardagi mashqlar, o'z-o'zini himoya qilish mashqlari (tik turgan holda). Har bir sinfda qo'shimcha tarzda majburiy mashqlar: halqani tanada aylantirish, sakragichda sakrashlar, qorin mushaklariga mo'ljallangan press mashqlari; turli holatlarda polga qarab tayanib yotib, qo'llarni bukib-yozishlar.

O'g'il bolalar uchun maktab maydonidagi nostandart uskunalardan foydalangan holda: gimnastika devorlarida tepaga va pastga tushib chiqib turli harakatlarni bajarishni; turnik va bruslarda mashqlarni bajarish, gimnastik to'siqlardan o'tishni; yakka kurash elementlarini, o'z-o'zini himoyalash mashqlarini; trenajerlarda mashqlarni; atletik gimnastika, gantelli gimnastika, toshlar bilan, sherik bilan bajariladigan mashqlarni uddalay bilish talab etiladi.

Jismoniy tarbiya darslarini o'tkazishdan maqsad – bolalarni yoshligidanoq jismonan sog'lom, baquvvat qilib shakllantirish, mashg'ulotlarda xavfsizlik qoidalariga rioya qildirish. Mavjud shart-sharoitdan qat'iy nazar, barcha imkoniyatlardan foydalangan holda jismoniy tarbiya darslariga o'quvchilarning faol ishtirokini ta'minlash, ular organizmiga foydali yuklamalar yuklash lozim.

Shunday qilib, XI sinf maktab dasturidagi bo'limlar bo'yicha o'quv yiliga tavsiya qilinadigan o'quv soatlari setkasi quyidagicha bo'ladi:

Jismoniy tarbiya fanidan 11-sinflar uchun taxminiy dastur o'quv soatlarining yillik taqsimoti

T/r	Dastur bo'limlari	1-variant XI	1-variant XI	2-variant XI	2-variant XI
1.	Bilim asoslari	Dars jarayonida		Dars jarayonida	
2.	Gimnastika	10	10	14	14
3.	Yengil atletika	18	12	28	22
4.	Sport o'yinlari (voleybol, qo'l to'pi, basketbol, futbol)	24	16	34	26
5.	Futbol	+	+	10	10
6.	Kurash (o'smirlar); raqs elementlari, badiiy va ritmik gimnastika (qizlar)	16	16	16	16
7.	Suzish	+	14	+	14
8.	Harakat sifatlarini rivojlantirish mashqlari	+	+	+	+
	Jami:	68	68	102	102

Eslatma: O'g'il bolalar kurash sporti bilan shug'ullanganda qiz bolalar milliy raqs elementlari va badiiy yoki ritmik gimnastika bilan shug'ullanishi tavsiya etiladi.

"Milliy kurash", "Gimnastika" darslarini o'tkazish bo'yicha imkoniyati va xavfsizlik qoidalarini hamda shartlarini ta'minlay oladigan mutaxassislari bo'lgan maktablarda tegishlicha anjom-uskunalarni hisobga olgan holda, ikkala turni almashtirib o'tkazish mutaxassis-o'qituvchiga havola qilinadi.

Suzish soatlari alohida ajratilmagan, biroq maktabda suzishga sharoit bo'lsa (basseyn suv havzasi), unga birinchi sinfdan boshlab o'rgatiladi. Soat esa dasturning asosiy turlari hisobidan (sport o'yinlaridan, yengil atletikadan va boshq.) olinadi (Xalq ta'limi vazirligining Kurash bo'yicha soatlarni o'zgartirish buyrug'iga asosan).

Dasturda laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlar o'tkazishga, har bir mavzuga tegishli masalalar yechishga katta ahamiyat beriladi.

Evolyutsion tushunchalarning paydo bo'lishi IX-XV asrlarda Markaziy Osiyoda yashagan tabiyotshunos olimlar Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sinolarning tabiat va undagi hodisalar to'g'risidagi qarashlari.

FIZIKA

Tushuntirish xati

11-sinf fizika dasturida 6-10-sinflarda o'rganilmagan yoki ayrim mavzularning berilishida o'quvchilar yoshini e'tiborga olgan holda mavzular soddalashtirilib, qisqacha ma'lumot ko'rinishda yoritilgan bo'limlar kiritilgan. Mazkur dasturda jami 102 soat hajmga muvofiq kelgan mavzular olingan bo'lib, 6-9-sinflarda olgan bilimlar bosqichma-bosqich holda murakkablashtirib boriladi. Dasturda bo'limda ajratilgan dars soatlari tegishli bo'limga oid mavzularni o'rganishga, unga oid ko'rgazma va tajribalarni namoyish etishga, laboratoriya ishlarini bajarish va masalalar yechishga ajratilgan.

XI sinf
/102 soat, haftasiga 3 soat/
I. Elektrodinamika /davomi/ Elektromagnit to'lqinlar (6 soat)

Elektromagnit to'lqinlar. Elektromagnit to'lqinlarning xossalari. Elektromagnit to'lqin energiyasi. Nurlanish oqimi zichligi.

Radioning kashf etilishi. Radio aloqa prinsiplari.Radiolokatsiya. Televideniye haqida tushuncha. O'zbekistonda aloqa vositalarining rivojlanishi.

II. Optika. Yorug'lik tushunchalari. Yorug'lik haqida tasavvurlar (22 soat)

Yorug'lik tezligi. Gyuygens prinsipi. Yorug'likning qaytish va sinish qonunlari. To'la qaytish. Kogerentlik. Yorug'lik interferensiyasi va uning texnikada qo'llanilishi. Yorug'lik difraksiyasi. Difraksion panjara. Yorug'lik dispersiyasi. Yorug'likning qutblanishi.

Radioto'lqinlar, infraqizil nurlanish, ko'zga ko'rinadigan nurlanish, ultrabinafsha nurlanish va rentgen nurlanish kabi turli to'lqin uzunlikdagi elektromagnit nurlanishlar. Mazkur nurlanishlarning xossasi va qo'llanilishi.

Laboratoriya ishlari

1. Yorug'lik interferensiyasi va difraksiyasini kuzatish
2. Yorug'lik to'lqin uzunligini difraksion panjara yordamida o'lchash

Ko'rgazma va tajribalar

1. Elektromagnit to'lqinlarni tarqatish va qabul qilish
2. Elektromagnit to'lqinlarning qaytishi
3. Elektromagnit to'lqinlarning sinishi
4. Elektromagnit to'lqinlarning interferensiyasi va difraksiyasi
5. Elektromagnit to'lqinlarning qutblanishi
6. Yuqori chastotali elektromagnit to'lqinlarni modulyasiyalash va detektirlash
7. Yorug'likning sinish qonuni
8. To'la qaytish
9. Interferension polosalar hosil qilish
10. Ingichka toladagi yorug'lik difraksiyasi
11. Tor tirqishdagi yorug'lik difraksiyasi
12. Difraksion panjara yordamida yorug'likni spektrlarga ajratish
13. Yorug'lik o'tkazgich
14. Polaroidlar yordamida yorug'likning qutblanishini kuzatish
15. Detal nusxalarda mexanik kuchlanishlarni o'rganish uchun polaroidlardan foydalanish
16. Qizdirilgan jism spektrida ko'zga ko'rinmas nurlanishlar
17. Infraqizil nurlanish xossalari
18. Ultrabinafsha nurlanish xossasi
19. Elektromagnit nurlanish shkalasi
20. Nurlanish oqim zichligining nuqtaviy manbagacha bo'lgan masofaga bog'liqligi

III. Kvant fizikasi
1. Yorug'lik kvantlari (10 soat)

Fotoeffekt va uning qonunlari. Yorug'lik kvantlari. Fotoeffekt, yorug'lik nazariyasi va tenglamasi. Vakuumli va yarim o'tkazgichli fotoelementlar. Foton. Korpuskulyar-to'lqin dualizm.

Fotoeffektning texnikada qo'llanilishi.

Ko'rgazma va tajribalar

1. Rux plastinkali qurilmada fotoelektrik effekt
2. Tashqi fotoeffekt qonunlari
3. Yarim o'tkazgichli va vakuumli fotoelementlarning tuzilishi va ishlashi
4. Fotoelementdagi fotorelening tuzilishi va ishlashi

Laboratoriya ishi:

Yorug'lik ta'sirida ishlaydigan yarim o'tkazgichli asbob xarakteristikasini olish

IV. Nisbiylik nazariyasi elementlari, nisbiylik nazariyasidan kelib chiqadigan asosiy natijalar (4 soat)

Eynshteynning nisbiylik prinsiplari va postulotlari. Yorug'likning vakuumdagi tezligi chegara tezlik sifatida. Massa va energiyaning o'zaro bog'lanish qonuni.

V. Molekulyar - kinetik nazariya asoslari (22 soat)

Molekulyar-kinetik nazariyaning asosiy qonunlari, molekulalarning o'lchamlari va ularning tajribada tasdiqlanishi. Broun harakati. Molekulalarning massasi va o'lchami.

Ideal gaz molekulyar-kinetik nazariyasining tenglamasi. Temperatura va issiqlik muvozanati. Gaz molekulalarning tezligi.

Mendeleyev-Klapeyron tenglamasi. Gazlardagi izojarayonlar.

To'yingan va to'yinmagan bug'lar. Bug'larning kritik holati Havoning namligi.

Kristall va amorf jismlar. Qattiq jism va materiallarning mexanik xossalari: elastiklik, mustahkamlik, plastiklik. Qattiq jismlarning mexanik xossalari. Guk qonuni.

Texnik xossalari ma'lum bo'lgan materiallar yaratish.

Laboratoriya ishlari

1. Izojarayonlardan birini o'rganish
2. Rezinkaning elastiklik modulini o'lchash

Ko'rgazma va tajribalar

1. Broun harakatining mexanik moduli
2. Berilgan gaz massasi uchun xajm, bosim va temperatura orasidagi bog'lanish
3. Izotermik jarayonlar
4. Izobarik jarayonlar
5. Izoxorik jarayonlar
6. To'yingan bug' xossasi
7. Pasaytirilgan bosimda suvning qaynashi
8. Psixrometrning tuzilishi va ishlash prinsipi
9. Kristallarning o'sishi
10. Elastiklik va qoldiq deformasiya

VI. Termodinamika asoslari (8 soat)

Ichki energiya. Bir atomli gazning ichki energiyasi. Termodinamika haqida tushuncha. Issiqlik miqdori. Termodinamikaning birinchi qonuni. Termodinamika birinchi qonunini izojarayonlarga tadbiq etish. Adiabatik jarayon. Qaytmas jarayonlar.Termodinamika ikkinchi qonuni.Issiqlik dvigatellarining ishlash prinsipi. Issiqlik dvigatelarining FIK. Issiqlik dvigatellarini takomillashtirish va ularning FIK orttirish. Issiqlik dvigatellarining xalq xo'jaligidagi roli. Issiqlik dvigatellari va tabiatni muhofaza qilish.

Ko'rgazma va tajribalar

1. Adiabatik kengayish va siqilishda havo temperaturasining o'zgarishi.
2. Diffuziya hodisasining qaytmasligi (modelda).

VII. Atom va atom yadrosi (18 soat)

Atom tuzilishi.Rezerford tajribasi. Atomning yadro modeli. Borning kvant postulatlari. Atomning yorug'lik chiqarish va yutishi. Lazerlar va ularning qo'llanilishi.

Atom yadrosining tarkibi. Izotoplar (siljish xossasi). Yadro kuchlari. Atom yadrolarining bog'lanish energiyasi. Yadro reaksiyalari. Yadro reaksiyalaridagi energetik chiqish. Radioaktivlik. Alfa, beta, gamma nurlanishlar va ularning kuzatilishi. Radioaktiv yemirilish qonuni. Ionlashgan nurlanishlarni qayd qilish metodlari. Neytronni kashf qilishi.

Atom yadrosi tuzilishi. Yadro kuchlari. Bog'lanish energiyasi. O'zbekistonda yadro fizikasi sohasida olib borilayotgan ishlar.

Uran yadrosining bo'linishi. Zanjir reaksiya.Yadro reaktori. Termoyadro reaksiyalari. Yadro energiyasi va undan foydalanish.

Elementar zarralar, radioasion nurning biologik ta'siri va xossalari.

Zarralar va elektromagnit nurlanish kvantlarining o'zaro aylanishlari.

Laboratoriya ishlari

1. Tutash spektrlarni kuzatish
2. Tayyor fotografiyalar bo'yicha zaryadli zarralar izini o'rganish

Ko'rgazma va tajribalar

1. Rezerford tajribasining modeli
2. Vilson kamerasidagi izlarni kuzatish
3. Ionlashtiruvchi zarralar schyotchigining tuzilishi va ishlashi

Umumlashtiruvchi mashg'ulot (4 soat)

Olamni bilishda va jamiyat taraqqiyotida fizikaning ahamiyati. Hozirgi zamon fizikasi va texnikasining taraqqiyoti. Fizika va texnika sohasida O'zbekistonda olib borilayotgan ishlar va ularning amaliy ahamiyati. Iqtisodiyotning bozor munosabati sharoitida ilmiy-texnik rivojlanishi.

Laboratoriya praktikumi (3 soat)

1. Moddaning sifat spektral analizini o'tkazish
2. Fotoeffekt hodisasini o'rganish
3. Gaz razryadli schetchik yordamida ionlashgan nurlanishlarni o'rganish

Takrorlash (3 soat)
Ekskursiya (2 soat)

KIMYO

(haftasiga 2 soat, jami 68 soat)

Tushuntirish xati

Kimyo fanini o'qitish uchun tuzilgan 11-sinf dasturi o'quvchilarning 7-10-sinflarda olgan bilimlarini chuqurlashtirishni nazarda tutadi.

Ushbu dastur noorganik kimyo va organik kimyo asoslarini yanada chuqurroq o'rganish yo'li bilan akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining kimyo fani dasturiga yaqinlashtirilgan.

11-sinfda umumiy va noorganik kimyo haftasiga 2 soatdan, jami 68 soat hajmida mavzularni o'z ichiga olgan bo'lib, kimyoning asosiy qonunlari, Davriy qonun va elementlarning Davriy sistemasi, atom tuzilishi, eritmalar, elektrolitik dissosilanish nazariyasi, oksidlanish-qaytarilish reaksiyalari, elektroliz, kimyoviy reaksiya tezligi va kimyoviy muvozanat, metalmaslar, metallar, O'zbekistonda kimyo fani yutuqlari va rivojlanish istiqbollari, Respublikamizdagi kimyo sanoatining ishlab chiqarish texnologiyasi qonuniyatlari haqida yanada kengroq ma'lumotlar beriladi.

Dasturda laboratoriya ishlari va amaliy mashg'ulotlar o'tkazishga, har bir mavzuga tegishli masalalar yechishga katta ahamiyat beriladi. Test yechish yo'llari bilan o'quvchilarning olgan bilimlarini mustahkamlab borishga e'tibor qaratilgan.

XI sinf
haftasiga 2 soat,
jami 68 soat
I. Kirish. (1 soat)

Kimyo fani va uni rivojlanish istiqbollari. O'zbekiston kimyo sanoati. Kimyoviy ishlab chiqarish sohalari.

II. Kimyoning asosiy tushunchalari va qonunlari. (4 soat)

Davlat ta'lim standatlari asosida o'rta umumiy ta'lim maktabining 7-9-sinflarida o'rgangan kimyoning asosiy tushuncha va qonunlarini qisqacha takrorlab o'tish hamda mustahkamlash.

Atom-molekulyar ta'limot. Moddalar massasining saqlanish qonuni.

Tarkibning doimiylik qonuni. Kimyoviy formulalar. Gaz qonunlari.

Gazlarning zichligi va nisbat zichligi. Noorganik birikmalarning sinflanishi. Amfoterlik. Genetik bog'lanish. Kimyoviy reaksiyalar va ularning tenglamalari asosida hisoblashlar. Moddalarning formulalarini topish usullari.

Hisoblashga oid masalalar.

III. Davriy qonun va kimyoviy elementlar davriy sistemasi.

Atom tuzilishi.

Davriy qonunni kashf etilishi va elementlar davriy jadvali. Davrlar. Davrlarda elementlarning joylashuv qonuniyatlari.

Gruppalar. Gruppalarda elementlarni joylashuv qonuniyatlari. Bosh va yonaki gruppalar.

Elementlar davriy qonuni va davriy sistemaning ahamiyati.

Atom-murakkab sistema. Atomning tuzilishi. Atom yadrosi. Atomning elektron qavatlari. Elektron qavatlarni tuzilishi. Elektronlarning elektron qavatlarda joylashuvi.

Izotoplar. Izobarlar. Yadro reaksiyalari. Tabiiy va sun'iy radioaktivlik. Yangi elementlarni sun'iy radioaktivlik yo'li bilan olinishi.

IV. Moddalarning tuzilishi. Kimyoviy bog'lanishlar (4 soat).

Kimyoviy bog'lanish turlari. Kimyoviy bog'lanishlarning hosil bo'lish mexanizmlari. Kovalent va ion bog'lanishlar. Metall bog'lanish. Donor-akseptor bog'lanish. Vodorod bog'lanish. Qutbli va qutbsiz molekulalar. Kristall panjaralar. Ion, atom, molekulyar va metall panjaralar. Kompleks birikmalar. Koordinasion son. Kompleks birikmalarning noorganik va organik kimyodagi ahamiyati.

V. Kimyoviy reaksiya tezligi va kimyoviy muvozanat (6 soat)

Laboratoriya tajribalari.

Kimyoviy reaksiyalarning tezligi.

Kimyoviy reaksiyaga ta'sir etuvchi omillar.

Temperatura, bosim va reaktsiyada ishtirok etuvchi moddalar konsentratsiyasining reaksiya tezligiga ta'siri. Massalar ta'siri qonuni.

Tezlik konstantasi. Vont-Goff qoidasi. Aktivlanish energiyasi.

Kimyoviy muvozanat. Muvozanatga ta'sir etuvchi omillar. Kimyoviy muvozanat konstantasi, muvozanatni siljitish. Le-Shatele prinsipi. Katalizatorlar. Ingibitorlar. Kimyoviy reaksiyaga katalizatorlarning ta'sir etish mexanizmi. Gomogen va geterogen kataliz. Katalitik zaharlar va promotorlar. Fermentlar-biologik katalizatorlar.

Qaytar va qaytmas reaksiyalar.

Hisoblashga doir masalalar.

Amaliy mashg'ulotlar.

Vodorod peroksidni parchalanishida katalizatorning ta'siri.

VI. Eritmalar (3 soat)

Dispers sistemalar. Erish jarayoni. Chin eritmalar. Kolloid eritmalar. Dag'al dispers sistemalar.

Eruvchanlik. Kristallogidratlar. Eritmalar. To'yingan va to'yinmagan eritmalar. O'ta to'yingan eritmalar. Eritmalarni kontsentrasiyasi. Foiz, molyar va normal kontsentratsiyali eritmalar.Eritmalarni xalq xo'jaligida ishlatilish sohalari.

Hisoblashga doir masalalar

Eruvchanlik va eritmalarning konsentratsiyalariga doir masalalar yechish

Laboratoriya tajribalari

VII. Elektrolitik dissotsiya nazariyasi (4 soat)

Elektrolitlar va elektrolitmas. Elektrolitik dissotsiya. Dissotsiyalanish mexanizmi. Kislotalar, ishqorlar va tuzlarning dissotsiyalanishi. Ko'p bosqichli dissotsiyalanish. Dissotsiya darajasi. Kuchsiz va kuchli eletrolitlar.

Ion almashinish reaksiyalari. Suvning dissotsiyalanishi. Vodorod ko'rsatkich-pH haqida tushuncha. Indikatorlar yordamida eritma muhitini aniqlash.

Tuzlarning gidrolizi. Gidrolizning turli holatlari.

Hisoblashga doir masalalar

Reaksiyaga kirishayotgan moddalarning biri mo'l miqdorda berilganda kimyoviy tenglamalar asosida hisoblashlar

Laboratoriya tajribalari.

Amaliy mashg'ulotlar.

Elektrolitik dissotsiyalanish mavzusi yuzasidan eksperimental masalalar yechish.

VIII. Oksidlanish-qaytarilish reaksiyalari.
Elektroliz (4 soat)

Valentlik va oksidlanish darajasi. Oksidlanish-qaytarilish reaktsiyalari. Oksidlovchilar va Qaytaruvchilar. Oksidlanish-qaytarilish reaksiyalari tenglamalarini tuzish va tenglamalarni tenglash usullari. Turli muhitda oksidlanish-qaytarilish reaksiyalarining borishi.

Elektroliz. Faradey qonunlari. Eruvchan va erimaydigan anodlar.

Elektrolizning amaliy ahamiyati.

Hisoblashga doir masalalar yechish.

Laboratoriya tajribalari.

Natriy sulfitning kaliy permanganat bilan neytral, ishqoriy va kislotali muhitlarda o'zaro ta'sirlashuvi

IX. Metalmaslar (21 soat).

Metalmaslarning umumiy xossalari (2 soat)

Metalmaslarning davriy sistemada joylashgan o'rni va ularning atomlarining tuzilishlariga bog'liq ravishda xossalariga umumiy tavsif berish.

Metalmaslarning metallar, vodorod va kislorod bilan o'zaro ta'sirlashuvi.

Metalmaslarning vodorodli birikmalari. Metalmaslarning kislorodli birikmalari.

Vodorod. Suv (2 soat)

Vodorodning davriy sistemadagi o'rni. Tabiatda tarqalishi. Vodorod izotoplari. Olinishi, xossalari va ishlatilishi.

Suv. Kimyoviy suvi muammosi. Og'ir suv. O'ta og'ir suv.

Uglerod gruppachasi (4 soat)

Uglerod va kremniy. Ularning davriy sistemada joylashgan o'rni. Tabiatda uchrashi. Olinishi. Xossalari, ishlatilishi. Uglerodning modifikatsiyalari.

Uglerod oksidlari, karbonat kislota, karbonatlar va gidrokarbonatlar. Karbonat angidrid, ichimlik va kir sodalari, xossalari, xalq xo'jaligida ishlatilishi va sanoatda olinish yo'llari.

Kremniy oksidlari. Silanlar, silikatlar, karborund. Shisha. Silikat sanoati. Sement va uning olinishi.

Azot gruppachasi (5 soat)

Azot gruppachasi elementlarining davriy sistemada joylashgan o'rni. Azotning tabiatda uchrashi. Xossalari.

Ammiak. Ammiak sintezi. Ammiak sintezini boshqarish. Ammiak asosida olinadigan birikmalar. Ularni ishlab chiqarish.

Azot oksidlari. Olinishi va xossalari. Nitrat kislota. Xossalari. O'zbekistonda nitrat kislota ishlab chiqarish va bunda atrof-muhit muhofazasi masalalari. Azotli o'g'itlar ishlab chiqarish. Ammiakli selitra ishlab chiqarish kimyoviy texnologik jarayonlarini o'rganish.

Fosfor. Tabiatda uchrashi. Xossalari. Allotropiyasi. Olinishi. Fosfor oksidlari. Fosfat kislota va uni ishlab chiqarish. Fosfori mineral o'g'itlar. O'zbekistonda fosforli o'g'itlar ishlab chiqarish. Mikroo'g'itlar.

Kislorod gruppachasi (4 soat).

Kislorod gruppachasi elementlarining davriy sistemada joylashgan o'rni. Atom tuzilishi. Kislorod. Tabiatda uchrashi, allotropiyasi, izotoplari, tabiatdagi va xalq xo'jaligidagi ahamiyati.

Oltingugurt, tabiatda uchrashi, xossalari. Oltingugurt oksidlari.

Sulfat kislota va uni ishlab chiqarish. Sulfat kislotasi ishlab chiqarishning kimyoviy texnologik jarayonlarini o'rganish va bunda atrof-muhit muhofazasi masalalari.

Galogenlar (3 soat)

Galogenlarning davriy sistemadagi o'rni va atom tuzilishi. Umumiy xossalari. Laboratoriyada olinishi.

Vodorodli va kislorodli birikmalari. Oksidlovchilik xossalari.

Osh tuzi va uning olinishi. Silvinitdan kaliyli o'g'itlar ishlab chiqarish.

Inert gazlar (1 soat)

Inert gazlarning o'ziga xos tuzilishi va davriy sistemadagi o'rni. Ularning xossalari. Kislorodli birikmalari.

Hisoblashga doir masalalar yechish.

Laboratoriya tajribalari.

Amaliy mashg'ulotlar.

X. Metallar (14 soat)

Metallarning umumiy xossalari (3 soat)

Davriy sistemada metallarning joylashgan o'rni va atomlarining tuzilish xususiyatlari. Metall bog'lanish. Metallarning o'ziga xos fizik va kimyoviy xossalari.

Qotishmalar haqida tushuncha. Ularning turlari, xossalari.

Metallarning elektrokimyoviy kuchlanishlar qatori.

Metallar korroziyasi va ularni korroziyadan saqlash.

Bosh gruppachalar metallari (5 soat)

Ishqoriy metallar. Litiy, natriy, kaliyga qiyosiy tavsif, xossalari.

Magniy, kalsiy. Oksidlari, gidroksidlari, tuzlari. Ularning birikmalarini ishlatilishi.

Suvning qattiqligi va uni bartaraf etish usullari.

Ohaktosh, ohak, marmar. Olinishi va ishlatilishi.

Alyuminiy. Uning birikmalari. Alyuminiy oksidi va gidroksidining amfoterlik xossalari. Alyuminiyning tabiiy birikmalari. Alyuminiy asosidagi qotishmalar. Alyuminotermiya. Sanoatda alyuminiyning olinishi.

Yonaki gruppachalar metallari (5 soat)

Xrom. Xossalari. Oksidlari. Gidroksidlari, tuzlari. Oksid va gidroksidlarining asosli, kislotali, amfoter xossalari.

Temir. Temir va uning oksidlari, gidroksidlari, tuzlari hamda ularning xossalari. Temirning tabiiy birikmalari. Temirning kompleks birikmalari, qizil va sariqqon tuzlari. Temir qotishmalari. Cho'yan va po'lat. Ularning olinishi. Cho'yan va po'lat turlari.

Lantanoidlar. Aktinoidlar (1 soat)

Lantanoidlar. Umumiy xossalari, ishlatilishi.

Aktinoidlar, umumiy xossalari. Radioaktivlik xossalari.

Hisoblashga doir masalalar.

Laboratoriya tajribalari.

Amaliy mashg'ulotlar.

Ishqoriy metallar, kalsiy, alyuminiy mavzulari bo'yicha eksperimental masalalar yechish.

XI. O'zbekistonda kimyo fani yutuqlari va rivojlanish istiqbollari (1 soat)

O'zbekistonda kimyo fani rivojlanish bosqichlari. O'zbek olimlarining erishgan yutuqlari. O'zbek olimlari tomonidan kimyo fanlari tizimiga kiritilgan yangi – "Tovarlarni kimyoviy tarkibi asosida sinflash va sertifikatlash" fani. O'zbekistonda kimyo fani rivojlanish istiqbollari.

Ekskursiyalarning taxminiy ob'ektlari

Mineral o'g'itlar omborlari. Sement, shisha, g'isht zavodlari. Qishloq xo'jaligini kimyoviy ta'minlash korxonalari.

UMUMIY BIOLOGIYA

Uqtirish xati

O'rta umumta'lim maktablarining XI sinfida "Umumiy biologiya" fani o'quv dasturida "Kirish", "Evolyutsion ta'limot", "Evolyutsiya dalillari", "Yerdagi hayotning paydo bo'lishi va tarixiy rivojlanishi", "Ekologiya asoslari", "Biosfera va uning evolyutsiyasi" bo'blari mantiqiy ketma-ketlikda, izchillikda berildi.

Ushbu o'quv fanini o'qitishda o'quvchilarning V-X sinflarda biologiya o'quv fanlaridan o'zlashtirgan biologik bilimlarni rivojlantirish, ilmiy dunyoqarashni kengaytirish, evolyutsion ta'limotning paydo bo'lishi va rivojlanishi, evolyutsiya dalillari, Yerdagi hayotning paydo bo'lishi va tarixiy rivojlanishi, Ekologiya fani va uning muammolari, biosfera va uning evolyutsiyasi haqidagi bilimlarni shakllantirish, biologik bilimlarning amaliy ahamiyati, ularning qishloq xo'jaligi, o'rmon, baliqchilik, mikrobiologiya sanoatini rivojlantirishdagi, shuningdek, tibbiyot, ekologiya, tabiatni muhofaza qilish muammolarini hal etishda ilmiy asos ekanligini anglashlariga zamin tayyorlash, tabiatga nisbatan ongli munosabatni tarkib toptirish, Ona Vatan va mustaqillik prinsiplariga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, bilimlarni mustaqil o'zlashtirish usullarini egallash, mantiqiy va ijodiy fikr yuritish ko'nikmalarini rivojlantirish nazarda tutiladi.

Mazkur o'quv fanini o'qitish uchun 68 soat hajmida vaqt ajratilgan bo'lib, haftalik o'quv yuklama 2 soatni tashkil qiladi.

EVOLYUTSION TA'LIMOT VA EKOLOGIYA ASOSLARI

Kirish (1 soat)

Biologiya fanining maqsadi va vazifalari. Biologiya fanining tarmoqlari, muammolari, nazariy va amaliy ahamiyati.

I bob. Evolyutsion ta'limot (22 soat, shundan 2 soat laboratoriya mashg'uloti, 2 soat ekskursiya)

Evolyutsion tushunchalarning paydo bo'lishi IX-XV asrlarda Markaziy Osiyoda yashagan tabiyotshunos olimlar Abu Nasr Forobiy, Abu Ali ibn Sinolarning tabiat va undagi hodisalar to'g'risidagi qarashlari.

Darvingacha bo'lgan davrda tabiiyot fanining rivojlanishi. K.Linneyning sistematika, J.Kyuvening anatomiya, morfologiya, paleontologiya sohasidagi tadqiqotlari.

J.B.Lamarkning evolyutsion nazariyasi, uning yutuq-kamchiliklari. XIX asrda Angliyada ijtimoiy-iqtisodiy sharoit. Ch.Darvinning tarjimai holi va Bigl kemasidagi safari. Yirik asarlari. Sunniy tanlash uning ongsiz va ongli tanlash shakllari. Tabiiy sharoitda hayvon va o'simliklardagi o'zgaruvchanlik. Yashash uchun kurash. Uning xillari: turlararo, tur ichida, tirik organizmlarning noqulay abiotik sharoitga qarshi kurashi. Organizmlar orasidagi munosabatlardan odamning foydalanishi. Tabiiy tanlanish. Tabiiy tanlanish shakllari (stabillashtiruvchi, harakat-lantiruvchi dizruptiv tanlanish). Ularga misollar. Organizmlarning moslanishi va uning nisbiyligi. Moslanishning yashovchanlik, raqobatchilik, nasl qoldirish bilan bog'liqligi. Hayvonot olamidagi moslanishlar: himoya rangi, ogohlantiruvchi rang, mimikriya. O'simliklar olamidagi moslanishlar. Qurg'oqchilikka, chetdan va o'z-o'zidan changlanishga bo'lgan moslanishlar. Meva va urug'larning shamol, hayvonlar yordamida tarqalishiga bo'lgan moslanishlari. Organizmdagi moslaniishlarning nisbiyligi.

Tur evolyutsiyaning asosiy bosqichi. Turning morfologik, fiziologik, biokimyoviy, geografik, ekologik, genetik mezonlari. Politipik turlar. Yangi turlarning paydo bo'lishi to'g'risida Ch.Darvin qarashlari. Hozirgi vaqtdagi tasavvurlar. Yangi turlarning paydo bo'lish yo'nalishlari: allopatrik, simpatrik, duragaylash, poliploidiya.

Evolyutsiyaning sintetik nazariyasi: populyatsiya evolyutsiyaning boshlang'ich birligi. Mutatsiya-evolyutsiyaning boshlang'ich omillari ekanligi.

Umumlashtiruvchi dars-Darvin-ilmiy biologiyaning asoschisi.

Jihozlar. Suniy va tabiiy tanlanish, organizmlarning turli-tumanligi, muhitga moslashganligiga oid jadvallar, mulyajlar, tuluplar, rasmlar, o'quv filmlarini ko'rsatish.

1) Tuluplar, ho'l preparatlar yordamida qushlarning havo muhitiga, toshbaqalarni cho'l sharoitiga, baliqlarni suv muhitiga moslashganligini o'rganish.

2) Laboratoriya mashg'uloti. Turning morfologik mezoni bilan pechak gul turlari misolida tanishish.

3) Laboratoriya mashg'uloti. Dala shilliqqurti chig'anog'i yoki mart qo'ng'izining qattiq qanoti farqlarini o'rganish.

Ekskursiyalar. 1. Suniy tanlash-hayvon zotlarini yaratish asosidir(chorvachilik ilmiy tadqiqot instituti yoki jamoa fermer xo'jaliklariga borish).

2. Tabiatda turlarning turli-tumanligi va organizmlarning muhit sharoitiga moslashganligi (mahalliy sharoitini hisobga olib park, to'qaydalaning birortasiga borish).

II bob. Evolyutsiya dalillari (6 soat)

Mikro va makroevolyutsiya to'g'risida tushuncha. Evolyutsiyani isbotlashda molekulyar biologiya, embriologiya, solishtirma anatomiya fan dalillari. Rudiment organlar,atavizm hodisasi. Evolyutsiyani isbotlashda paleontologiya fan dalillari. Oraliq formalar. Ularning evolyutsion ahamiyati. Evolyutsiyaning isbotlashda biogeografiya fan dalillari. Biogeografik viloyatlar. Ularning o'ziga xos hayvonlar, o'simliklar olamining o'xshashlik va farqiy sabablari.

Noan'anaviy dars. Ilmiy konferentsiya-klassik darvinizm va hozirgi zamon evolyutsion ta'limot.

Jihozlar. Umurtqali hayvonlarning embrional rivojlanishi, gomologik, analogik organlar, atavizm hodisasi bo'yicha jadval. Zoogeografiya viloyatlarning xaritalari. Qit'alarning paydo bo'lish nazariyasiga oid jadvallar. Umurtqali hayvonlarni toshga aylangan qoldiqlari, izlari, skeletlari modelini ko'rsatish.

III bob. Yerda hayotning paydo bo'lishi va tarixiy rivojlanishi (11 soat, shundan 1 soat ekskursiya, 1 soat laboratoriya mashg'uloti)

Hayotning ta'rifi. Yerda hayotning paydo bo'lishi to'g'risidagi nazariyalar. Hayotning paydo bo'lishida biokimyoviy evolyutsiya nazariyasining asosiy mazmuni. Organik moddalarning o'z-o'zidan sintezlanishiga oid olimlar tomonidan olib borilgan tajribalar (S.Miller, Foks, Oro, A.I.Oparin) koatservatlar, protobiontlar, matritsali sintez, geterotrof, formalar fotosintezni paydo bo'lishi.

Organik olam evolyutsiyasining turli yo'nalishlari to'g'risida F.N.Severtsov, I.I.Shmalgauzen qarashlari: aromorfoz, idioadaptasiya, umumiy degeneratsiya. Evolyutsiyaning turli yo'nalishlari orasidagi bog'lanishlar. Turli era va davrlarda organik olamning murakkablasha borganligi, xilma-xilligi ortganligi. Arxey, proterazoy, paleozoy, mezozoy, kaynozoy eralaridagi hayot.

Umumlashtiruvchi dars. Organik olamning paydo bo'lishi va tarixiy rivojlanishi.

Laboratoriya mashg'uloti. Sporali o'simliklar, ochiq urug'li va gulli o'simliklar gerbariyasi misolida o'simliklarda aromorfozni, hasharotlarning qattiq, parda, to'g'ri qanotli turkumlari misolida idioadaptatsiyani aniqlash.

Ekskursiya. Yerda hayotning rivojlanish tarixi (tabiiyot, o'lkashunoslik muzeyidagi eksponatlar) bilan tanishish.

Jihozlar. Evolyutsiyaning turli yo'nalishlari. Yerda hayotning paydo bo'lishi. Organik olamning eralar, davrlar bo'yicha rivojlanishiga oid jadvallar, o'quv filmlar.

IV bob. Ekologiya asoslari (20 soat, shundan 1 soat laboratoriya mashg'uloti, 2 soat ekskursiya)

Ekologiya fani, uning vazifalari, tadqiqot metodlari, ekologiya asosiy bo'limlari. Asosiy ekologik tushunchalar.

Abiotik omillar: iqlim, tuproq, topografik omillar. Tabiatda mavsumiylik.

Biotik omillar. Organizmlar orasidagi munosabat xillari raqobat, hamtovoqlik. Tur va populyasiyaning ekologik ta'rifi. Turlarning muxofaza qilinishi. Dunyo va O'zbekiston "Qizil kitobi". Biogeotsenozlar va ularning xususiyatlari. Oziq zanjirlari. Tabiiy va sun'iy ekosistemalari. Inson ekologiyasi. Odamning adaptiv tiplari. Ularning kelib chiqish sabablari.

Laboratoriya mashg'uloti. Oziq zanjirlarni tuzish bo'yicha.

Ekskursiya. Tabiiy biogeotsenozlar, ulardagi mavsumiy o'zgarishlar (o'tloq, hovuz misolida ko'rish).

Jihozlar. Tirik tabiat burchagi, o'quv-tajriba xo'jaligida organizmlarning bir-biriga, shuningdek, abiotik omillarning o'simlik va hayvonlarga ko'rsatgan ta'siri. Oziq zanjirlariga oid kuzatish olib borish va tajriba natijalarini hamda tabiatda organizmlar orasidagi o'zaro aloqalarning ifodalanishiga oid kolleksiyalar, gerbariy materiallari, chuchuk suv havzasi, agroekosistema, tipik biotsenozlar modellari aplikatsiyasini ko'rsatish.

V bob. Biosfera va uning evolyutsiyasi (8 soat)

Biosfera haqida tushuncha. Biosfera chegaralari. Uning tarkibi, funksiyasi. Biomassa, quruqlik, oqsil biomassasi. Biosfera. Moddalar va energiyaning aylanishi. Biogenez, noogenez, noosfera. Insonning biosferaga ijobiy va salbiy ta'siri. Biosferani muhofaza qilish muammolari.

Jihozlar. Biosfera, uning chegaralari, tabiatdagi moddalar va energiyaning aylanishiga oid jadvallarni ko'rsatish.

O'qitish jarayoni grafik va tovushli ta'minotni qo'llash asosida mantiqiy va abstrakt fikrlashni o'stirishni o'z ichiga oladi.

ALGEBRA VA ANALIZ ASOSLARI, GEOMETRIYA

(haftasiga 2 soatdan, jami 68 soat)

Uqtirish xati

11-sinf "Algebra va analiz asoslari" kursi 10-sinfda o'qitiladigan shu nomdagi kursning uzviy davomidir. 11-sinf kursi 4 ta bob, 16 ta paragrafdan iborat.

I bob "Hosila va uning geometrik ma'nosi" deb ataladi. Unda matematika va uning tatbiqlarida muhim ahamiyatga ega bo'lgan hosila tushunchasi kiritiladi, uning geometrik ma'nosi ochiladi, differensiallash qoidalari beriladi.

II bob "Hosilaning funksiyalarini tekshirishga qo'llanishi" deb nomlangan bo'lib, unda hosila funksiyalarining: kamayishi va o'sishi, ekstremumlari, grafigini yasashda, eng katta va eng kichik qiymatlarini topishga tatbiqlari o'rganiladi.

III bob "Integral"deb ataladi. Unga boshlang'ich funksiya tushinchasi kiritiladi. Boshlang'ich funksiyaning topish qoidalari beriladi.

IV bobda hosila va integralning amaliyot masalalarini yechish tatbiqlari o'rganiladi. Unda differensial tenglamalar, garmonik tebranishlar haqida ma'lumotlar beriladi. Yuzlarni hisoblashga, amaliyot masalalarini yechishga integralning qanday tatbiq etilishi misollar yechish orqali ko'rsatiladi.

Har bir bob oxirida shu bobga doir tarixiy ma'lumotlar beriladi.

11-sinf "Algebra va analiz asoslari" kursining dasturi 7-10-sinflardagi "Algebra" kursi bilan uzviy bog'langan; mavzular ketma-ketligida ham uzviylik ta'minlangan. Boshqa fanlarda (masalan, geometriya, fizika) "Algebra va analiz asoslari" tatbiqlari borligi e'tiborga olinib, o'rganilayotgan mavzularning fanlararo uzviyligi ham ta'minlangan.

11-sinf "Algebra va analiz asoslari" uchun tuzilgan mazkur dastur akademik litsey va kasb-hunar kollejlarining matematika umumta'lim fani sifatida o'rganiladigan dasturlariga muvofiq keladi va u bilan uyg'unlashgan.

1. Hosila va uning geometrik ma'nosi (14 soat)

Hosila

Darajali funksiyaning hosilasi

Differensiallash qoidalari

Ba'zi elementlar funksiyalarning hosilalari

Hosilaning geometrik ma'nosi.

2. Hosilaning funksiyalarni tekshirishda qo'llanilishi (16 coat)

Funksiyaning o'sishi va kamayishi

Funksiyaning ektrimumlari

Hosilaning funksiyalar grafiklarini yasashda qo'llanishi

Funksiyaning eng katta va eng kichik qiymati.

3. Integral (14 soat)

Boshlang'ich funksiya

Boshlang'ich funksiyalarni topish qoidalari

Egri chiziqli trapetsiyaning yuzi va Integrallarni hisoblash.

4. Hosila va integralning amaliyot masalalarini yechishga tatbiqlari (14 soat)

Hosilaning amaliyot masalalarini yechishga tatbiqlari

Yuzlarni integrallar yordamida hisoblash

Integralning amaliyot masalalarini yechishga tatbiqlari

Takrorlash (10 soat)

Geometriya (Haftasiga 2 soat, jami 68 soat)

I. Ko'pyoqlar (18 soat)

1. Ikki yoqli burchak. Uchyoqli va ko'pyoqli burchaklar.
2. Ko'pyoq. Prizma. Prizmaning tasviri va uning kesimlarini yasash.
3. To'g'ri prizma.
4. Parallelepiped. Parallelepipedning markaziy simmetriyasi.
5. To'g'ri burchakli parallelepiped. To'g'ri to'rtburchakli parallelepipedning simmetriyasi.
6. Piramida. Piramidaning yassi kesimlarini yasash.
7. Kesik piramida.
8. Muntazam piramida.
9. Muntazam ko'pyoqlilar.

II. Aylanish jismlari (15 soat)

1. Silindr. Silindrning tekisliklar bilan kesimlari.
2. Ichki va tashqi chizilgan prizmalar.
3. Konus. Konusning tekisliklar bilan kesimi.
4. Ichki chizilgan va tashqi chizilgan piramidalar.
5. Shar. Sharning tekislik bilan kesimi.
7. Shar simmetriyasi. Sharga urinma tekislik. Ikki sferaning kesishmasi.
8. Ichki chizilgan va tashqi chizilgan ko'pyoqlar.
9. Geometriyada jismi va uning sirti tushunchasi haqida.

III. Ko'pyoqlarning hajmlari (14 soat)

1. Hajm tushunchasi. To'g'riburchakli parallelepipedning hajmi.
2. Og'ma parallelepipedning hajmi.
3. Prizmaning hajmi.
4. Tengdosh jismlar.
5. Kesik piramidaning hajmi.

IV. Aylanish jismlarining hajmi va sirtlari (15 soat)

1. Silindrning hajmi.
2. Konusning hajmi.
3. Kesim konusning hajmi.
4. Aylanish jismlari hajmlari uchun umumiy formula.
5. Shar hajmi.
6. Shar segmenti va sektorining hajmi.
7. Silindr yon sirtining yuzi.
8. Konus yon yuzi.
9. Sferaning yuzi.

V. Umumlashtiruvchi takrorlash (6 soat)

INFORMATIKA VA HISOBLASH TEXNIKASI ASOSLARI

Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 11-sinfi uchun dastur

Uqturish hati

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida "Informatika va hisoblash texnikasi asoslari" fanini o'qitishning quyidagi ahamiyati juda muhimdir:

- O'qitish jarayoni grafik va tovushli ta'minotni qo'llash asosida mantiqiy va abstrakt fikrlashni o'stirishni o'z ichiga oladi.
- Axborot ustida amaliy ishlar olib borish va zamonaviy dasturiy ta'minot bilan tanishish kompyuterni hayotga tatbiq etishga, shuningdek o'quvchilarga darslarda kompyuterdan o'quv quroli sifatida foydalanishga imkon beradi.
- Kompyuterning boshqa fanlarni o'qitishga tatbiqi o'quvchilarda kompyuter texnikasi va boshqa fanlarga bo'lgan qiziqishni oshiradi.
- O'quvchilarda hisoblash texnikasiga ijobiy munosabatlarning uyg'onishiga va rivojlanishiga asos bo'ladi.
- O'quvchilar kompyuterda ishlab, izlanuvchi va tadqiqotchiga aylanadilar hamda o'z tajribalariga tayangan holda hulosa chiqarish va umumlashtirishga o'rganadilar.

Informatika va hisoblash texnikasi asoslari fani o'qitilishining quyidagi asosiy maqsadlari mavjud:

— amaliy faoliyatda kompyuterdan foydalanish imkoniyati va chegaralarini bilish;

— mantiqiy va abstrakt fikrlashni shakllantirish;

— masalani formallashtirish, undagi mantiqiy bog'liq qismlarni ajratishni bilish;

— zamonaviy texnologiyadan foydalanib tadqiqotchilik va yaratuvchilik qobiliyatini shakllantirish;

— jahon axborot tizimida ishlash ko'nikmasiga ega bo'lish;

— taqdimotlarni tashkil etishni bilish;

— Web-sahifani yaratish jarayonini bilish.

Informatika va hisoblash texnikasi asoslari fanining asosiy bo'limlari:

I. Internetda ishlash asoslari (10 soat+1 soat nazorat ishi)

Mazmun: Axborotli olam muammolari va Internet. WWW ning asosiy imkoniyatlari va vazifasi. Internetda ishlashni ta'minlovchi dasturlar haqida va dasturning imkoniyatlari. Internet Explorer dasturining vazifalari. Internetdan ma'lumotlarni olish usullari. Axborotlarni himoyalash va antiviruslar haqida.

Maqsad: WWW, internet, gipermatn, URL va FTP haqida tushunchaga ega bo'lish. O'quvchining Internet tizimida ishlashi uchun zarur dasturlar va ularning bajaradigan ishlari bilan tanishtirish. Elektron pochtadan foydalanish va Internetdan ma'lumotlarni olish usullari bilan tanishtirish. Axborotlarni himoyalash va antiviruslar haqida tushuncha berish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga talablar:

Internet, WWW, gipermatn, URL va FTP haqida tushunchaga ega bo'lish. Internetda ishlashni ta'minlovchi dasturlar va ularning vazifalarini bilish; Internetdan ma'lumotlarni izlash texnologiyasini bilish, nusxa olish va saqlash qoidalari haqida tushunchaga ega bo'lish; elektron pochta va undan foydalanishni bilish; axborotlarni himoya qilishning chora-tadbirlari va kompyuter viruslari haqida tasavvurga ega bo'lish.

2. Web-sahifa yaratish (22 soat + 1 soat nazorat ishi)

Mazmun: HTML haqida tushuncha va web-brauzerlar. Web-sahifaga matn joylashtirish. Web-sahifaga jadval va ro'yxat joylashtirish. Web-sahifada gipermurojaat. Web-sahifaga rasm joylashtirish. Web-sahifaga rasm yordamida o'tish. Boshqa web-sahifalar bilan aloqa va tarkibiy web-sahifalar. Web-sahifada formalar.

Maqsad: Gipermurojaat, shaxsiy web-sahifa, web – sahifa, provayder, HTML – hujjat, deskriptor(teg), Web – brauzer, forma haqida tushuncha berish va atamalar bilan tanishtirish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga talablar:

Gipermurojaat, shaxsiy web-sahifa, web – sahifa, HTML – hujjat, deskriptor(teg), Web – brauzer, forma haqida asosiy tushunchaga ega bo'lish. Web-sahifaga jadval va ro'yxat, rasm va gipermurojaat joylashtirish ko'nikmasiga ega bo'lish.

3. Microsoft Power Point dasturi yordamida

Taqdimot slaydlarini yaratish (16 soat)

Mazmun: Slaydlarni yaratish va tahrirlash, slayd shablonlaridan foydalanish. Slaydlarga rasm, grafik va diagrammalarni o'rnatish. Windows ilovalari hujjatlaridan foydalanish. Slaydlarga animatsiya effektlarini o'rnatish. Slaydlarga audio va video fayllarni qo'yish. Taqdimot namoyish etish texnologiyasi bilan tanishtirish.

Maqsad: Taqdimot o'tkazishga oid slayd tayyorlash texnologiyasini o'rgatish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga talablar: taqdimot uchun slaydlarni yaratish, tahrirlash, shablonlardan foydalanish, xatolarni tekshirish va rasm, grafik, diagrammalarni o'rnatishni bilish. Windows ilovalari hujjatlaridan foydalanish, slaydlarda animatsiya effektlarini o'rnatish, slaydlarga audio va video fayllarni qo'yish texnologiyasi bo'yicha elementar bilim va ko'nikmalarga ega bo'lish.

4. Avtomatlashtirilgan ish joylari (6 soat+1 soat nazorat ishi)

Mazmun: Avtomatlashtirilgan ish joylari haqida tushuncha. "O'qituvchi" avtomatlashtirilgan ish joyi. "S_Test14 – test o'tkazish" ish joyi. Uskunaviy dasturlarga oid dasturlar bilan tanishtirish.

Maqsad: Avtomatlashtirilgan ish joylari haqida tushuncha berish, "O'qituvchi" avtomatlashtirilgan ish joyi, "S_Test14 – test o'tkazish" ish joyi bilan ishlash ko'nikmasini hosil qilish. Uskunaviy dasturlarga oid dasturlar yordamida amaliy ishlar bajarish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga talablar: Avtomatlashtirilgan ish joyi, uskunaviy dasturlar haqida ma'lumotga ega bo'lish. "S_Test14 – test o'tkazish" ish joyi bilan ishlash ko'nikmasiga ega bo'lish. Uskunaviy dasturlar yordamida amaliy ishlar bajara olish.

5. Masalalarni kompyuter yordamida yechish (9 soat + 2 soat nazorat ishi)

Mazmun: Masala yechish uslublari. Ekologik masalalarga oid dastur tuzish. Iqtisodiy masalalarga oid dastur tuzish.

Maqsad: Kompyuterda masala yechish bosqichlaridan foydalanib, ekologik iqtisodiy va amaliy masalalarga oid dastur tuzishga yo'naltirish.

O'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga talablar: Matematik model, algoritm va dastur tuzishni bilish, ularni ekologiya, iqtisodiy va hayotiy masalalarga qo'llashni bilish; natijalarni tahlil etishni bilish.

Oddiy muallim bo'lsa-da, qalbi keng, yuragi toza, mehnatkash, butun umrini bola tarbiyasiga bag'ishlagan insonning hayotini zarhal harflar bilan bo'lsa ham so'z orqali ta'rif etib bo'larmikan?

ОЛТИН ҚАНОТ УСТОЗЛАРИМ

Донишмандлардан бири Гораций «Ёзишни ўрганишдан аввал батартиб фикрлашни одат қил» деганида ҳақ экан. Устоз ҳақида, айниқса, юрагингга энг яқин инсонлар тўғрисида ёзиш қийинлигини энди билдим.

Оддий муаллим бўлса-да, қалби кенг, юраги тоза, меҳнаткаш, бутун умрини бола тарбиясига бағишлаган инсоннинг ҳаётини зарҳал ҳарфлар билан бўлса ҳам сўз орқали таъриф этиб бўлармикан?

Ёзувчи бўлганимда Шукур Холмирзаев каби «Бу кишим — устоз, мен — шогирд» каби бир асар ёзармидим. Ёки шоир бўлганимда Пўлат Мўмин сингари шеърлар ёзган бўлармидим. Нима бўлганда ҳам устозлар менинг юрагимда яшайди. Инсон бўлиб камол топишимда устозларим олтин қанот бўлганлигини баралла айтишга ҳақлиман.

Ўшанда етмиш бешинчи йиллар эди: бахтиёр болалик дамларимиз ортда қолиб, мустақил ҳаётга қадам қўя бошладик. Дўстлар бир-биридан «Ким бўлмоқчисан?» деб қайта-қайта сўраганларида, мен ҳеч иккиланмасдан «Муаллим бўламан» деган эдим.

Ҳа, албатта, муаллим бўламан деганимда азиз ўқитувчиларимга бўлган ҳавас кучли эди. Математика ўқитувчимиз Қурбон Бекматов, адабиёт муаллими Эрниёз Шодиев, рус тили ўқитувчимиз ҳамда синф раҳбари бўлган Тошмурод Ярлақабов, тарих фани ўқитувчиси Раҳмон Ширинов, яна бир математика ўқитувчимиз Бекпўлат Суюнов кўз ўнгимда турарди. Уларнинг ҳар бири бир олам, бир дунё инсонлар эди мен учун. Қурбон аканинг Ньютон, Фарадей, Эйнштейн ҳақидаги қизиқарли суҳбатлари, Бекпўлат аканинг Қори-Ниёзий, Сирожиддинов тўғрисидаги хотиралари, адабиёт ўқитувчимизнинг гўзал шеър мутолаалари ҳали-ҳануз мени ҳайратга солади.

Синф раҳбаримиз Тошмурод ака рус тили дарсларини шунчалик мафтункор ўтарди-ки, гўё ўзбек тили дарсидан фарқи йўқдек. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни рус тилидан диктант олди-да, синфнинг ўзида икки ўқувчига текшириб кўрмасдан беш баҳо қўйиб, мақтанди. Ҳатто бу ҳақда бошқа ўқитувчиларга ҳам айтиб, улар билан текшириб кўрганларида бирорта ҳам хато йўқлиги ҳаммани лол қолдирган эди. Буни унутиб бўлармикан? Ўқувчини руҳлантириш, ўз фанига бўлган қизиқишини ошира билишнинг қайсидир усуллари эканлигини йиллар ўтиб, тушунганимда менинг ҳам «ўқитувчи ижодкор бўлиши, маълум маънода артист бўлиши керак» деган даъватга меҳрим ошган.

Бола қалбининг руҳшуноси деб шуни айтса керак-да. Улар нафақат дарсда, ҳаётда ҳам бизга ўрнак, раҳнамо, яқин дўст эди. Уларнинг кийинишига қараб кийинишни, жамоат орасидаги юриш-туришига қараб ҳам юришни орзу қилардик. Йиллар давомида қанот бўлган устозларимдан ҳалигача миннатдорман.

Бундан етти-саккиз йил илгари шоира Зулфия Мўминованинг «Сиз шеърга сиғмайсиз» номли эссеси «Ёшлик» журналида босилиб чиқди. Тандирдан узилган нон каби совимасдан туриб, шу куннинг ўзида «Тарбиявий соат» ташкил қилиб, ўқувчиларга ўқиб бердим. Бутун вужудим билан ўқидим. Гўёки унда менинг муаллимим ҳақида ёзилгандек эди. Менинг болалигим, тоғлар, гўзал боғлар қучоғида қолиб кетган ўқувчилик йилларим ҳақида ёзгандек эди шоира. Унда шундай жумлалар бор эди: «Гоҳо у ҳақда шеър ёзмоқчи бўламан, аммо у шеърга сиғмайди...» Мен ўқияпман. Синф жим эди. Танаффус бўлди ҳамки, ҳеч ким жойидан қўзғалмади. Ўқувчиларнинг кетгиси йўқ эди. Дарсда савол бериб, қўл кўтарадиган ўқувчининг ҳам нафаси ичига тушиб кетганди гўё. Улар гўё менинг буюк муаллимим ҳақида ўйлашда эди. Менга ҳавас билан қарашарди. Мен нега ўқидим?! Ўқувчиларим устоз қандай инсон эканлигини билиши учун ҳам ўқидим. Улар йиллар ўтиб бу ҳақда қайта-қайта эслашларини истар эдим.

Шундай ҳам бўлди. Орадан бир неча йил ўтиб, мактабни битириб кетган бир ўқувчи билан учрашиб қолдик. Шунда у юрагимнинг ярасига туз сепгандек, ўша эссенинг қуйидаги сўнгги қаторларини ёддан айтиб берди: «Мени қийнаманглар, менга бундай қараманглар, у ҳақида ёзиш осон бўлса эди. Не қилайки, у шеърга сиғмайди».

Ҳаёт оқар дарё экан. Устозларимдан айримлари бу ёруғ дунёдан ўтиб кетди. Лекин улар минглаб шогирдлари қалбида тирик эканлигига ишонаман.

Бошқаларни билмадим-у мен Қурбон акани кўрсам «устоз» дея кўришаман. Бошқалар ҳам эшитсин, билсин, деб Бекпўлат акани кўрсам, «устоз» дея баланд товуш билан сўрашиб қўяман. Кўча-кўйда кўрсам, «Раҳмон ака устозим» дея мақтаниб қўяман. Яна ўқувчиларим эшитсин, дейман-да.

«Устоз отангдай улуғ» нақлига ҳамма амал қилишини яна такрор уқтиргим келади.

Қурбон ака математика сирасрорларини ўргатиш билан бирга, фалакиётдан шунчалик кўп ривоятлар айтиб берардики, дарсдан чиқиб, осмонга қараб қўйганингни ўзинг ҳам билмай қолардинг. Гўё юлдузлар кундуз куни ҳам чарақлаб тургандек. Албатта, шу кечаси юлдузларга мафтун бўлар, хаёл оғушида уларни узоқ кузатар эдим. Ҳатто тушларимга кирган пайтлари ҳам бўлган. Қурбон ака физик ҳам эди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кечки бўлимида ўқиган пайтлари институт қошидаги астрономия лабораториясида икки йил ишлаган. Юқори малака, тажрибага эга бўлган устоз бор билимини ўқувчиларга аямасдан берганлиги учун ҳам эл орасида ҳурмати баланд бўлган. Узоқ қишлоқ мактабида физик лаборатория машғулотларини ўтказиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармикан?

Вейерштрансинг «Бироз шоиртабиат бўлмаган математик ҳақиқий математик бўла олмайди», деган ҳикматли сўзи ҳам айнан Қурбон ака учун айтилгандек. Тафаккур доираси кенг устоз дарснинг авж нуқталарига келганда шеърлар ўқиб берганларида ўзни билмаган ҳолда сеҳрланиб қолардик. Устоз Абдулла Ориповнинг ҳақиқий ишқибози эди. Жуда кўп шеърларини ёддан билар, такрор-такрор бўлса ҳам завқ билан ўқишдан чарчамасди. Айниқса, шоирнинг айрим шеърларини ҳам математикага, ҳам физикага, ҳам астрономияга боғлаб ўқиб берарди.

Қурбон ака 2002 йилдан буён нафақада. Қишлоқ оқсоқоли. Фарзандлари, неваралари қучоғида. Эл ардоғидаги инсон. Ҳали ҳам мактабдан кўнгил узмайди. Мактабда ўтказиладиган турли тадбирларда қатнашади. Беминнат ёрдамини, насиҳатларини аямайди.

Қуш битта қаноти билан учолмаслиги аниқ, аммо икки қанот билан ҳам шохдан-шохга ўтиб юрадиганлари кўп. Менинг эса қанотларим — устозларим. Улар жуда кўп. Олтин қанотларим билан ҳали қанчалар парвоз қилишимни билмайман-у лекин устозларим ишончини оқлаш учун бор кучимни аямасман!

Олтин қанот устозларим, омон бўлинг!

Неъматилла ҚИДИРОВ,
Қўшработ туманидаги
21-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

«O'qituvchim — faxrim» tanloviga

СИЗГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ

Ҳар сафар мактабга қадам қўяр эканман, боғ ичра қад кўтарган бинога кўзим тушиши билан дилим яйрайди. Тартиб билан экилган ўрик, бодом, хурмо, ёнғоқ, олхўриларнинг гулларини, меваларини кўрганимда турли-туман анвойи гулларнинг ҳиди димоғимга урилади. Бу гўзалликларнинг сабабчиси ким? Албатта, устоз – боғбон – Райимқул Тўраев-да!

Мактабдаги "Табиий синфхона"ни кўрганингизда ҳайратдан ёқа ушламай иложингиз йўқ. Мўъжаз боғ ичида синфтахта ва парталар ўрнатилган, чор атрофда нок, олма, хурмо, пальма, чилонжийда, наъматак, қўнғироқгуллар... Ҳам у гулзор, ҳам у дарсхона! Табиатшунослик, ботаника дарслари шунда ўтилади. Бола 1-синфга келиши биланоқ боғ ичига тушади, унда улғаяди. Гулнинг ғунчасидан тортиб япроғигача, ниҳолнинг куртагидан тортиб, дарахтининг мевасигача, ҳаммаси ўқувчи юрагига, фикрига, руҳига, феълига жо бўлади. Шаҳар болалари пистаю дўлана кўчатию дарахтини, сарв дарахтини тасаввур ҳам қилолмайди. Лекин бу мактаб ўқувчилари билишади. Чунки бу каби кўчат ва дарахтлар билан биргаликда улғайишмоқда улар. Мактаб боғида 38 хилдан ортиқ мевали дарахтлар мавжуд.

Лолақизғалдоқлар, дўлана, мандарин кўчати, лимон ниҳоли, пальма дарахти, агаво дарахти, настарин, шотут, олма, нок, қора олу, валериан ўти, левомицин дарахти... Бир парча ерда — бир дунё! Бу қанча изланиш, қанча меҳнат! Ҳар бир туп гул, кўчат, дарахт, битта ўқитувчи, улар болаларнинг юрагига ҳабиатни олиб киради.

Ҳовлида... бодомли, ўрикли, хурмоли, олчали, ёнғоқли боғлар... Ҳаммаси ўз ўрнида. Бир дона бегона ўт йўқ. Дарахтлар танаси оқланган. Боғ ҳавоси тоза, тўйиб, яйраб нафас оласиз... Мактабнинг олд қисмида, ўрикли боғ дарахтлари орасида буғдой экилган. Буғдой ҳосилидан ҳар Наврўзда сумалак пиширилади. Мактаб қучоғида Наврўз, доимо болалик ва ёшликнинг беғуборлиги, устозларнинг илиқ меҳрлари билан йўғрилади.

Бундан ташқари, мактабда устоз бошчилигидаги «Ниҳол» ширкати фаолият кўрсатиб келмоқда. Ширкатда мевали ва манзарали дарахтлар етиштирилади. Улар корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида сотилмоқда. Мактабнинг ўз ҳисоб рақами ҳам бор. Ундаги пуллар кам таъминланган оилалар фарзандларини моддий ҳимоялаш, аълочи ўқувчилар ва кўрик-танловлар ғолибларини рағбатлантириш ҳамда мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ишлатилмоқда.

Директорлик жуда масъулиятли вазифадир. У ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш, уларнинг фан асосларини пухта билиб, тўғри тарбия олишлари учун давлат ва жамоатчилик олдида шахсан жавобгардир.

Директор фаолиятидаги энг муҳим хусусият маданиятлилик, хушфеъллик, хушмуомалалик, сезгирлик, адолатлилик, инсонийлик, одамлар билан яхши муносабатда бўлишдир. Хўш, бизнинг раҳбаримиз қанақа? Шогирд сифатида мен у кишининг фаолиятини жуда кўп кузатганман. У киши ҳали ҳеч ким мактабга келмай туриб эрта тонгдан мактаб қоровули ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари билан учрашадилар. Бирон жойда камчилик бўлса, аввало шу камчиликларни бартараф этадилар.

Райимқул Тўраевда ташаббускорлик, тадбиркорлик, кўпчиликнинг бошини қовуштириб ишлай олиш хислатлари юқори даражада. Айниқса, бу хислатлар у киши 1981 йилда Термиз шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабига директор бўлиб ўтгач, кўзга яққол ташланди. Таълим-тарбия сифати ошди, педагогик жамоа ҳамжиҳатлиги, уюшқоқлиги кучайди. Мактаб ўқиш-ўқитиш ишлари бўйича олдинги ўринга чиқди.

1983 йилда Райимқул акани шаҳардаги 12-мактабга, 1987 йилдан эса 13-умумий ўрта таълим мактабига директор қилиб ўтказишди. Устоз қаерда ишламасин, бутун билими ва ғайрати, куч-қудратини таълим-тарбия сифатини ошириш, мактаб ва оилалар, мактаб ва боғча, мактаб ва маҳалла орасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ўқувчилар назарий билимини амалиётда мустаҳкамлашга қаратди. Устозда бошқа раҳбар-педагогларга ибрат бўларли хислатлар мужассам. Уларни ўта талабчан, айни пайтда ғамхўр, меҳрибон инсон сифатида билишади ва таърифлашади.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Райимқул ака директорлик қилган мактабларда ўқув даргоҳининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун кўнгилдагидек шарт-шароит яратиш чораларини кўрди. Ўз фанларини мукаммал билиши билан ҳамкасбларига ибрат бўлди.

Мактабда 3 мингга яқин ўқувчи бор. Бу йил қабул қилинган ўқувчиларнинг ўзи 9 та синф. Ўзаро ҳурмат ва тарбия шу даражадаки, ўқувчиларнинг кўплиги гўё сезилмайди.

Юртбошимиз баркамол авлод тарбияси борасида куюниб «Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон», «Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак», деган эди. 13-мактабда худди шу кўрсатмаларга амал қилинган ҳолда ишланмоқда. Мактабда ўқувчига эркинлик, ижодий изланишга рағбат берилиши катта самара бераяпти. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришга ўргатилмоқда. Ҳамма раҳбарларнинг ўқувчилардан ҳам ўриндоши бор. Ойига бир кун мактабни ўқувчилар бошқаради. 600 дан ортиқ ўқувчи амалдор ёки вазифадор ҳисобланади. Мактаб раҳбарларининг муқобили бўйича 6 та маъмур фаолият кўрсатмоқда.

Устоз раҳбарлик қилаётган мактаб педагоглар жамоаси дарс ва дарсдан ташқари машғулотларга алоҳида эътибор бермоқда. Бунда ўқувчиларни «ўқитиш» эмас, балки ўқиш, ўрганишга, интилишга муҳим иш сифатида қараляпти. Мактабда таълим-тарбия жараёнининг объекти ҳам, субъекти ҳам ўқувчилардир.

Хуллас, мактабда янгилик мўл.

Райимқул Тўраев жуда эътиқодли инсон. Бу эътиқод Ватан ва халққа, ўзи севган касбга, ҳамкасблари ва оиласига бўлган меҳр-муҳаббати билан қоришиб кетган. Шунинг учун ҳам у кишининг меҳнат муваффақиятлари салмоқли, парвозлари баланддир. Моҳир устознинг кўп йиллик самарали меҳнатлари Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У киши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи, Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кўкрак нишони, Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, Сибирь фанлар академиясининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Халқ таълими аълочиси, ажойиб ташаббускор ва тадбиркор инсон, моҳир педагог Райимқул Тўраев орзу-умидларга, куч-ғайратга тўла. Юксак орзу-ниятлари ва фидокорона меҳнатлари у кишига қўшқанот бўлиб, янги парвозларга чорламоқда. Шунинг учун ҳам янги ютуқлар эшик очаётир.

Шоҳида ХОЛЛИЕВА,
Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси

Bu dargohda eng qadimiy, o'zimiz ham juda avaylaydigan, yoshi 2500 yillik, tosh davriga tegishli bo'lgan buyumlar ham bor...

2004-2005 o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili

ҚУВАДАГИ МАКТАБ МУЗЕЙИ

унинг бошқа музейлардан фарқи нимада?

Мактаб музейлари ёш авлодни узоқ ўтмиш билан танишишга ўргатиш, она-Ватанни севиш ҳиссини кўпгина ноёб топилмалар орқали сингдириш ва яна кўпгина мақсадларда ташкил қилинади. Бу музейларда мактаб жойлашган ҳудуддан ўлкашунослик ва сайёҳлик тўгараги аъзолари томонидан топилган, тарихи минг йиллар билан ўлчанадиган ёки янги бўлса-да, маҳаллий аҳоли учун маълум маънода қадр-қийматга эга бўлган осориатиқалар жой олган бўлади. Республикамизда айни кунларда ана шундай мактаб-жамоатчилик музейларининг 798 таси фаолият кўрсатмоқда. Ўша «қадимхона»лардан бири Қува туманидаги 38-мактабда жойлашган. Мактаб директори, кўп йиллар мана шу даргоҳда ташкил этилган ўлкашунослик тўгарагига раҳбарлик қилган Шерзод Тешабоев музей ҳақида шундай деди:

— Мактаб ўлкашунослик музейига 1987 йилда тамал тоши қўйилган. Мактабимиз меҳнат фани ўқитувчиси Раҳматжон Бобоев билан биргаликда, деярли 15 йил давомида материаллар йиғдик. Дастлаб музейни фақатгина қишлоқларни, жамоа хўжалиги тарихини комплекс тарзда ўрганишга мўлжаллаган эдик. Кейинги изланишларимиз натижасида Қува тумани ҳамда Фарғона вилояти тарихидан ҳикоя қилувчи маскан барпо этдик, дея оламан.

Ўқувчилар билан 17 та қишлоқ номининг келиб чиқиш тарихини ўргандик ва жадвал тайёрладик. Сўнгра қишлоқларда жойлашган тарихий ёдгорликлар, уларнинг ёши ва қурган кишилари тўғрисида маълумот тўпладик, мана шу ёдгорликлар жойлашган ҳудудларнинг харитасини чиздик.

Биласизми, туманимиз ҳудудидан жуда кўплаб қадимий осори-атиқалар, буюмлар топилади. Кимдир ер ҳайдаётганда ёки бошқа ҳолатларда чиқиб қолган археологик топилмаларни ҳам музейимизга келтиришни йўлга қўйиб олганмиз.

15 йилдан буён ўлкашунослик тўгараги аъзолари ўзгарди, мактабни битириб кетганлари ўз йўлини топди. Айни кунларда эса, уларнинг укалари, сингиллари, баъзиларининг фарзандлари ўлкашунослик тўгарагида қидирув, изланиш билан бандлар. Ҳозирги кунда музейимизни экспонатлар билан тўлдириш муаммо бўлмай қолди. Чунки маҳалла-кўй, ота-оналар ва ҳатто қўшни туманларда яшовчи аҳоли ҳам музейимиз ҳақида эшитиб, билиб, уни томоша қилгани келиб, кўпгина қадимий, ҳаттоки, тарихчи-археологлар томонидан жуда қадрланадиган буюмларни совға қилишмоқда. Қува тумани бўйича музейимизга экспонант келтириш оммалашиб бўлди. Кишилар бир дона танга ёки кўзача топиб олсалар ҳам «38-мактабнинг музейига олиб бориш керак» дейишади. Бу даргоҳда энг қадимий, ўзимиз ҳам жуда авайлайдиган, ёши 2500 йиллик, тош даврига тегишли бўлган буюмлар ҳам бор...



Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Музейда минглаб йиллар оша етиб келган осори-атиқалар мавжуд экан, давлат музейлари улар билан қизиқмаганми, буюмларни катта-катта музейларга олиб кетиш таклифи билан чиқмаганми?

— Албатта, буюмларимиз билан юртимиздаги йирик музейлар ҳам қизиқишди. Аммо биз музей қадр-қиймати мана шу топилмалар билан яна ҳам кўтарилишини, ундан кейин болаларимиз топган буюмларни ўзимиз ҳам сақлай олишимиз мумкинлигини билиб, экспонатларни шу ерда қолдирдик, — дейди музей мутахассиси Раҳматжон Бобоев.

Ўлкашунослик ва тарихий йўналишда амалий ишлар қилинганлигини музейни томоша қилиб чиққан кишилар билиб оладилар.

— Эндиги ниятимиз экологик йўналишда ҳам бўлим ташкил қилиш. Шу кунларда ўқувчиларимиз оқар сувларнинг қай даражада тозалигини аниқлаб, ўз хулосаларини беришмоқда. Тупроқ эрозияси бир неча марта тажрибадан ўтказилди. Ҳар бир қишлоқ ҳудудидан олиб келинган тупроқлар махсус идишчаларга солиниб, музейга қўйилди. Бир неча йиллардан кейин бизда ана шу тупроқларни солиштириш, тупроқдаги ўзгаришларни аниқлаш имконияти бўлади.

Бу музей бошқа музейлардан нимаси билан фарқ қилади, деб берган саволимизга Шерзод Тешабоев ҳам, Раҳматжон Бобоев ҳам бир хил жавоб беришди.

«Музейимиз биз учун жуда-жуда қадрли, чунки кўпгина буюмларни болаларимизнинг ўзлари қазиш-қидирув ишлари олиб бораётган пайтда топганлар».

Тўғри, бу ерда ҳам шароитни жуда яхши деб бўлмайди, қимматли буюмларни сақлаш учун махсус тайёрланган ойнаванд жовонлар, иссиқлик ва совуқликни мўътадиллаштириб турадиган махсус асбоб-ускуналар, қўриқлаш тизими йўқ. Экспонатлар кўп бўлса-да, музейга етарли хона ажратилмаган. Шундай шароитда ҳам мактаб раҳбарияти, музей ходимлари бор имкониятларини ишга солиб, бу масканни яна ва яна яхшилаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Хайрли ишда уларга ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ёрдам бераяпти.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

АЛИФБО САБОҚЛАРИ

12-САБОҚ

АЙРИМ ЁЗИЛИШИ МУРАККАБ ҲАРФЛАР ВА СЎЗЛАР ИМЛОСИ

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилганига ўн йилдан ошган бўлса-да, ҳамон айрим ҳарфлар ёки сўзларнинг имлоси билан боғлиқ хатоларга йўл қўйилмоқда. Бу эса матбуот, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали имло қоидаларини, тўғри ёзув (орфография) мезонларини кўпроқ ёритиб боришни тақозо этади.

Тилдаги сўзлар турлича бўлганлиги боис, уларнинг талаффузи ва ёзилиши ҳар хиллиги бизни кўпинча чалғитади. Қуйида ёзилиши бироз қийинроқ бўлган «ё»лашган унлилар (графемалар)нинг имлосини ўрганамиз:

1. Ее (й+э) ҳарфи бир товуш сифатида, қисқа айтилганда, сўзнинг бошида, ўртасида ёки охирида е (э) деб талаффуз этилади ва битта ҳарф ёзилади: **erk, erkin, etik, tekin, bek, e'lon, ne'mat, esse** каби.

Айни ҳарф икки товуш (й+э)ни ифодалаганда эса худди шундай, яъни икки ҳарф билан ёзилади: **Yer, yelin, yelkan, yelvizak, yelpig'ich, yetuk, yengil, yetti, yetakchi**.

2. Ёё (й+о) ҳарфи бир товуш сифатида айтилганда, бир ҳарф ёзилади: stajor, gimnastorka, dirijor, uchot, schotchik каби.

Шу ҳарф икки товуш (й+о)ни ифодалаганда, икки ҳарф билан ёзилади: **yov, yordam, yosh, yoqut, yog'du, yohu, yoz, yovuzlik, yollanma, aktyor, boksyor, montyor, partnyor, rejissyor, shofyor, pulemyot, vertolyot, plyonka, putyovka, shpaklyovka, slyot, amyoba** ва б.

3. Юю (й+у) ҳарфи бир товуш сифатида айтилганда, бир ҳарф билан ёзилади: **Lustra, agglutinatsiya, aluminiy, budjet, bulliten, dujina, illuziya, karburator, kostum, parfumer, pluralizm, salut, sujet, selluloza, luks** каби.

Айни ҳарф икки товуш (й+у)ни ифодалаганда, икки ҳарф ёзилади: **yuksak, yulduz, yuridik, yurt, yuza, yuqori, yumaloq, byuro, menyu, byust, iyul** ва ҳ.

4. Яя (й+а) ҳарфи бир товуш сифатида айтилганда, бир ҳарф билан ёзилади: **molekular, yubilar, sentabr, oktabr, izolatsiya, ingalator, inflatsiya, kalkulator, ventilator, flaga** каби.

Шу ҳарф икки товуш (й+а)ни ифодалаганда, икки ҳарф ёзилади: **yaxshi, yashin, yalqov, yara, yaqin, yaktak, yayov, dvoryan, slavyan, buryat, snaryad, zaryad, plyaj, tyagach** ва б.

Е, ё, ю, я графемалари билан ёзиладиган сўзларнинг айримларини қуйидаги луғат ёрдамида ўқиб, уларнинг ёзилишини ўрганиб олинг.

Ye		Yo	
Yelim	елим	yov	ёв
yelka	елка	yovuzlik	ёвузлик
yeng	енг	yoz	ёз
yengil	енгил	yollanma	ёлланма
yer	ер	yordam	ёрдам
yetakchi	етакчи	yoxud	ёхуд
yetti	етти	yosh	ёш
yetuk	етук	yoqimli	ёқимли
yevro	евро	yoqut	ёқут
yechim	ечим	yog'du	ёғду
yohu	ёҳу		

Yu		Ya	
yubiley	юбилей	yadro	ядро
yuksak	юксак	yayov	яёв
yulduz	юлдуз	yakka	якка
yumaloq	юмалоқ	yalla	ялла
yuridik	юридик	yalt	ялт
yurisprudensiya	юриспруденция	yalqov	ялқов
yurt	юрт	yarash	яраш
yuqori	юқори	yaroqli	яроқли
yuza	юза	yarmarka	ярмарка
yaxshi	яхши		
yaqqol	яққол		

Баҳодир СУЮНОВ,
Тошкент давлат юридик институти
катта ўқитувчиси

Delfinlarning tinchliksevarligiga har qancha havas qilsa arziydi — ular o'z do'stlarining jangovor postdagi halokati uchun ham odamlardan o'ch olmay, kechirishgan.

БРИТАНИЯДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ

Буюк Британиянинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган денгизга яқин Боскасл ҳудудида кучли сув тошқинлари бўлмоқда. Қутқарувчилар зудлик билан аҳолини эвакуация қилишга киришиб кетди. Қутқарув ишлари асосан вертолётларда амалга оширилмоқда. "Sky News" телеканалининг хабар беришича, қурбон бўлганлар йўқ, аммо бир неча киши дом-даракси йўқолган. Қишлоқ фуқароларининг айтишича, бир неча кунлаб ёққан тўхтовсиз ёмғир кўчаларда дарё бўлиб, ўз йўлида турган автоуловларни оқизиб кетган. Воқеа жойида 7 та вертолёт ва 25 ўт ўчириш машиналари иш олиб бормоқда. Одамлар ўз хонадонлари томларига чиқиб, вертолётларни кутишаяпти, деб хабар беради қутқарувчиларнинг бири. Баъзи жойларда одамлар ўз автоуловларида қолиб кетиб, қутқарувчилардан мадад кутмоқда. Ўт ўчирувчилар денгиз бўйларида қидирув ишларини олиб боришмоқда.

ВЬЕТНАМДА "ҚУШ ГРИППИ" ҚАЙТА КУЗАТИЛМОҚДА

Август ойининг бошида номаълум сабабга кўра ҳаётдан кўз юмган болалар қонида қуш гриппи вируслари топилган. Бу ҳақда "Reuters" агентлиги хабар берган. Вьетнам касалхоналари шифокорларининг айтишларича, ушбу касаллик анчадан буён қайтарилмаётган эди. Ҳозирда кўплаб гумон қилинаётган инсонлар текширувлардан ўтказилмоқда. Ушбу вирус инсон организмига қаттиқ жойлашиб олиб, ўзини анча вақт ошкор қилмай туради. Бироқ кейинчалик ўлимга олиб боради. Осиёда ҳозиргача бу касаллик оқибатида 24 киши ҳаётдан кўз юмган.

АРИЛАР БИЛАН ЎЙНАШИБ БЎЛМАЙДИ

АҚШнинг Калифорния штати жанубида жойлашган Санта-Анна шаҳрида яшовчи икки ўсмир бола арилар инини тошбўрон қилишган. Натижада ариларнинг 120 мингтаси инидан қўзғалиб, ёнатрофдаги барча аҳолини чақиб ташлаган. Ҳашаротлардан азият чеккан фуқаролар ўт ўчириш хизматига қўнғироқ қилган. Воқеа жойига келган қутқарувчилар кутилмаганда ҳужумга учрашди ва махсус кийимларни кийиб олишга мажбур бўлишди. Тезкор чоралар натижасида аввал 40 минг ари ўлдирилган, сўнгра яна 80 минг ари махсус суюқлик ёрдамида бартараф қилинган. Арилар ин қўйган хонадон эгалари ўз уйларидан кўчиб кетишга мажбур бўлдилар.



Интернет манбалари асосида Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

G'aroyib olam

ДЕЛЬФИНЛАР ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Нега дельфинлар одамларга сира ёмонликни раво кўрмайди? Улар муқаррар ҳалокатга маҳкум одамларни қутқариб қолгани хусусидаги юзлаб воқеалар тарих саҳифаларидан жой олган. Оддий баликчидан тортиб, олимларгача дельфинларнинг ҳайратомуз даражадаги дўстона муносабатининг жонли гувоҳи бўлган ва уларнинг ақл бовар қилмас фаросатларидан лол қолишган.

Балки дельфинлар шунчаки ақлли жониворгина эмасдир. Бу борада жуда кўп қарашлар мавжуд. Уларнинг бирида, дельфинлар умумий аждодларимиздан келиб чиққан, фақат биз табиий танловнинг ўзга шохчасини тан олганимизча йўқ, деган фикр илгари сурилади. Мазкур сувости жониворлари, ҳатто одамлардан бир мунча ақллироқ, дейишади.

Улар дўстлашишни истайди

Дельфинларнинг ўзи одамлардан иш излаб юради. Озуқа илинжида эмас, албатта. 1871 йили Жек-Навигатор деб аталган дельфин илк бор Янги Зеландиядаги хавфли бўғоздан "Бриндл" кемасини олиб ўтган. У 40 йил йўлбошчи сифатида хизмат қилиб, минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Кемалар ва миллионлаб доллар баҳоланадиган юкларни қутқарган. Бироқ, 1903 йили "Пингвин" кемасининг маст йўловчиси Жекка ўқ отиб, уни ярадор қилган. Икки ҳафта мобайнида Жек жароҳатлари билан овора бўлиб, кўзга кўринмаган. Яраси битгач, яна пайдо бўлган, аммо қайтиб бу кемага йўлбошчилик қилмаган. Денгизчилар "Пингвин"га ишга ёлланишдан қатъий бош торта бошлаганлар ва бу бекорга эмасди. Навбатдаги сузишлардан бирида кема қояларга урилиб, чилпарчин бўлган. Қолган кемаларга Жек 1912 йилгача ҳамроҳлик қилган. Веллингтонда мана шу ғаройиб йўлбошчига ҳайкал ўрнатишган.

Дельфинлар ҳеч қачон одамларга нисбатан ҳужумкорлик кайфиятида бўлмайдилар. Ҳаттоки, улар томонидан ёвузликлар бўлса-да, ёмонлик қилишмайди. Кунларнинг бирида қайиқда ўтирган баликчи борт ёнида қалқиб турган улкан сузгични кўриб, уни акула деб ўйлаган-да, отиб қўйган. Аммо у дельфин эди. Жонивор сувдан отилиб чиқади. Агар истаса, у думининг бир зарби билан қайиқ ва ундаги одамни ағдариб юбориши мумкин эди. Аммо дельфин кема бурун қисмидаги бир неча ёғочни енгилгина шикастлайди, холос. У одамзотга қилган хатосини англатиб қўйган ва ўз йўлида давом этган.

Олимлар дельфинлар билан қизиқиб қолишгач, уларни тадқиқот ишлари учун тута бошлашди. Бу сув жониворларини тўрга тушириш чоғида, уларнинг одамга ҳужум қилиш ҳоллари бирон марта ҳам рўй бермаган. Дельфинларнинг кўнгилчанлиги ғоятда ҳайратланарли. Урғочи дельфинни тутиб олишганида, унинг боласи нобуд бўлади. Бир неча кун она дельфин боласининг жонсиз жасадини бурни олдида олиб юрган. У фарзандининг тирилиб қолишидан ниҳоятда умидвор эди. Иккита мураббий мурдани тортиб олмоқчи бўлганида, она дельфин одамларга зарар етказмай, қочиб қутилишга уринган.

Алоқа ўрнатиш йўлида

Дельфинлар ҳамиша одамлар билан мулоқот қилишга интиладилар, ҳатто одамлар уларнинг кўмагига муҳтож бўлмаган пайтларда ҳам. Болаларга ўзлари билан ўйнашига имкон яратиш мақсадида дельфинлар пляжларга яқин жойларга сузиб келишади. Бир куни мусиқачилар гуруҳи 12 метрли яхтада Канада қирғоқлари яқинидаги очиқ денгизга сайр қилиш учун чиқиб кетишади. Мусиқа садолари янграши билан делфинлар сузиб кела бошлайди. Сув остига туширилган гидрофонлар оҳангга мос қандайдир шиқирлаш, ҳуштак овозига ўхшаш садоларни қайд эта бошлади. Дельфинлар қўшиқ куйлаб, рақсга тушаётгандилар. Ҳар сафар қўшиқ тугагач, рақс майдонидаги каби дельфинлар жим бўлиб қолар ва кейинги куйни сабрсизлик билан кутарди. Кейин эса дельфинлар ўз концертларини намойиш этдилар. Дельфинлар мияси инсонларникидан 20-40 фоизга оғирроқ экан. Уларнинг тили анча мураккаб бўлиб, турли кўринишларга эга. Одамлар овоз пайлари орқали мулоқот қилишлари ҳеч кимга сир эмас, сув остида эса сўзлашишнинг энг мақбул усули ультратовуш экан. У дельфинларга нафақат бир неча частоталарда гаплашишга имкон беради, балки ультратовуш ёрдамида улар овқат ва бошқа буюмларни ҳам излаб топишади.

Олимлар дельфинлар ахлоқ ва одоб қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда яшайдилар, деган хулосага келишган. Улар муқаддас китоблардаги барча панд-насиҳатларга оғишмай риоя қилишади. Уларнинг орасида яккахонлар йўқ. Барча ишлар бир ёқадан бош чиқариб, келишилган ҳолда бажарилади. Улар меҳрибондирлар. Дельфин оғир жароҳат туфайли ҳушини йўқотса, бўғзига сув тиқилиб, чўчиб кетиши мумкин. Бироқ "ҳушидан кетиб йиқилган" дельфинни ҳамиша ўртоқлари қутқариб қолишади, уни сув юзасига итариб чиқаришади-да, сабрсизлик билан ўзига келишини кутишади. Қачонки дельфин мустақил нафас олишни бошласа, улар ҳам енгил тортадилар.

Интизом ва садоқат

Ўтган асрнинг 60-йилларида олимлар дельфинларнинг ақл-фаросатини ўрганишга жиддий киришиб кетдилар. Кўп ўтмай бу мавзуга махфийлик тамғаси урилди. Фақат яқиндагина дельфинлар ўтган узоқ йиллар давомида ҳарбий хизматни ўтаб, энг мураккаб вазифаларни бажарганликлари, айрим ҳолларда эса ходимларни ҳарбий-денгиз разведкасига ўргатганлари аён бўлиб қолди.

Улар хизматларига яраша тақдирланишган ва ҳатто уларга унвонлар ҳам берилган. Ҳарбий хизматга чақирув, одатдагидек йилда икки марта — куз ва баҳорда ўтказилган. Айниқса, барча дельфин зотлари ичида афалинлар хизмат учун энг бопи саналган.

Дельфинлардаги садоқат ва уларнинг интизомлилиги кишини ҳайратга солади. Дельфинлар орасида бирорта ҳам дезертири (қочоқ) бўлмаган.

Разведка ва ҳарбий операцияларни бажаришда дельфинлар, ҳар қандай юқори тоифали ҳарбий денгизчиларни ҳам ортда қолдириб кетишади. Уларнинг тезликни соатига 50 км.га ошира олишлари ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Дельфинлар айниқса, техника панд берган ёки умуман уддалай олмаган ҳолларда, масалан, торпедо лойга ботиб қолган шароитларда бебаҳо хизматчи ҳисобланишади. Дельфинлар ўзларидаги ноёб эхолокацион аппаратлари туфайли нафақат торпедони топишади, балки унинг русумини ҳам аниқлаб беришади.

НАТО ва Варшава шартномасига аъзо мамлакатлар ҳарбийлари ҳам дельфинлардан фойдаланишган. Америкаликларда Таффи лақабли дельфин бўлган. Дельфинлар билан қизиқарли воқеалар ҳам учраб турган. Разведка гуруҳининг энг яхши дельфини Дик Муза исмли урғочисини яхши кўриб қолади. Улар бир-бирларидан узоқда хизмат қилишарди. Кунларнинг бирида Дик чидаб туролмай, ўзбошимчалик билан маъшуқаси ёнига жўнаб қолади. Очиқ денгизга қочиб қолиш унинг хаёлига ҳам келмаганди. Дик шунчаки, бир марта бўлса-да, ўз Музасига нигоҳ ташлашни хоҳлаганди, холос. Катер уни олиб кетгани келганида, у ҳеч қаршиликсиз, хизмат жойига қайтиб келади.

Тараққиёт давомида гаплашув давом этадими?

Дельфинлар цивилизацияси, бизникидан фарқли ўлароқ, илмий-техник тараққиёти билан мақтана олмаса-да, аммо уларда заррача ҳужумкорлик руҳи мавжуд эмас. Ачинарли томони шундаки, дельфинлар билан мулоқот асосан ҳарбий мақсадларни кўзлаб олиб борилган. Дельфинларнинг тинчликсеварлигига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди — улар ўз дўстларининг жанговор постдаги ҳалокати учун ҳам одамлардан ўч олмай, кечиришган. Хизмат қилишда давом эта беришган. Нега? Номаълум. Ким билсин, балки ўзаро мулоқотни давом эттиришни кўзлаб шундай қилишганмикан? Балки биз, одамларга ҳам ақл кириб қолар, деган умид уларни бир лаҳза бўлсин тарк этмаганмикан?

"Уруш" деган тушунча қачонлардир бир умрга ўчиб кетар, дельфинлар эса биз билан янги, янада чуқурроқ алоқа ўрнатиб, ўз тиллари шифрини аниқлашда ёрдам беришар, деган ният билан яшаймиз. Балки улар — узоқ асрлар ҳақида ва сув ости дунёсининг сирларини англашда инсониятга янги-янги билимларни тақдим этишар...

Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Bu qo'llanmalar o'rta maktab o'quvchilari va barcha tabiiy yo'nalishlar bo'yicha oliy o'quv yurtiga kiruvchi abituriyentlar uchun ham asosiy adabiyotlar vazifasini bajarishi bilan ham ahamiyatlidir.



ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Ўқитувчи» нашриёти республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун Тошкент давлат аграр университети профессорлари А.Абдусаматов, Р.Зияев ва бошқалар муаллифлигида биринчи бўлиб, янги ўзбек алифбосида «Органик кимё» (2-нашри) ва «Органик кимёдан машқ, масала ва тестлар» номли ўқув қўлланмаларини чоп этди.

Мазкур қўлланмалар Давлат таълим стандартлари асосида янги дастурга мувофиқ ёзилган. Чунончи, «Органик кимё» ўқув қўлланмаси 19 бобни ўз ичига олиб, унда ўқувчилар органик кимёнинг назарий асослари, фаннинг алоҳида мавзулари бўйича асосий тушунча ва қоидалари; органик бирикмалар асосий синфларининг номенклатураси ва изомерияси; олиниш усуллари; физик ва кимёвий хоссалари, уларнинг қишлоқ ва халқ хўжалигида ишлатилиши соҳалари билан танишадилар.

Талабаларнинг мустақил фикрлаш доирасини кенгайтириш, фанни чуқур ўрганиш ҳамда олинган назарий билимлардан амалий кўникма ҳосил қилиш мақсадида, ҳар бир бобдан кейин лаборатория ишлари ва назорат саволлари берилган.

«Органик кимёдан машқ, масала ва тестлар» номли ўқув қўлланмалар «Органик кимё»нинг давоми бўлиб, унда органик кимё фанининг асосий бўлимлари бўйича намунавий масалаларни ечиш услуби, машқ, масалалар ва тестлар тўплами ҳамда уларнинг жавоблари келтирилган. Демак, бу қўлланма ўқувчиларнинг аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлашлари ҳамда уй вазифаларини мустақил бажаришларига катта ёрдам беради.

«Органик кимё» фани бўйича бир-бирини (назарий ва амалий дарсларни) тўлдирувчи мазкур қўлланмаларни ўз вақтида замон талаблари асосида ёзилган дарслик десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки бу қўлланмалар ўрта мактаб ўқувчилари ва барча табиий йўналишлар бўйича олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар учун ҳам асосий адабиётлар вазифасини бажариши билан ҳам аҳамиятлидир.

С.ЗОКИРОВ,
ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи ўқитувчиси

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ



Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган — "Олим камолоти" рисоласи "Таниқли маърифатпарварлар ҳаёти" сериясида бўлиб, унда педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннуновнинг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолиятидан лавҳалар берилган.

Китоб икки қисмдан иборат. Китобнинг биринчи қисми "Умр зарварақлари", "Хотима ўрнида", "Асқар Зуннуновнинг ҳаёти ва ижтимоий-педагогик фаолияти солномаси", "Асқар Зуннуновнинг монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари" деб номланган фасллардан иборат.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби А.Зуннунов таваллудининг 90 йиллиги, илмий-педагогик фаолиятининг 70 йиллиги қарши олинмоқда. Устоз ўзининг 70 йиллик ўқитувчилик ва илмий тадқиқотчилик тажрибалари асосида 40 дан зиёд монография, дарслик, қўлланмалар яратган. Домланинг илмий раҳбарлигида вилоятларда фаолият кўрсатаётган 30 дан зиёд адабиёт ўқитувчилари адабиёт методикаси ва педагогика (тарих ва назарияси) бўйича фан номзодлари илмий даражасига эга бўлдилар.

Китобнинг иккинчи қисми "Устоз ва дўстларнинг дил сўзлари" деб номланади. Бунда "Эл-юрт ардоқлаган инсон" (академик В.Қобулов), "Ёши улуғ бўлса, қари дегани эмас", (фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Маҳмудов), "Етук илму фазл соҳиби" (академик А.Рустамов), "Таълимнинг жонкуяр фидойиси" (Академик А.Қаюмов), "Миллий маънавиятимизнинг жонкуяри" (профессор Б.Тўхлиев), алломанинг ҳамкасб ва шогирдларининг Асқар Зуннунов ҳақидаги "Дунёда Асқар акалар кўпайсин" (Ж.Икромов), "Яхшиликни раво кўрган домла", (С.Нишонова) "Ёшларнинг ғамхўр мураббийси" (Т.Қодирова), "Знание и мудрость" (В.Андриянова), "Ҳамон сафда" (Н.Ҳотамов), "Меҳр саховатли устоз" (А.Долимов) мавзулари билан материаллар берилганки, бунда устознинг фазилатлари, ноёб истеъдод соҳиби эканлиги хусусида сўз юритилади. Хусусан, академик А.Рустамовнинг устоз тўғрисидаги сўзлари жуда эътиборлидир.

Хуллас, "Олим камолоти" рисоласидан маърифат аҳли, ҳамкасбларимиз, ҳар бир муштарийларимиз, ёшларимиз баҳраманд бўлишса, фойдадан холи бўлмас.

Кумрихон СУЛТОНОВА



«КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ»



Истеъдодли олима Санобар Нишонова томонидан ёзилган «Комил инсон тарбияси» ўқув қўлланмаси «Истиқлол» нашриётида 10 минг нусхада чоп этилди. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази илмий методик кенгаши томонидан тайёрланиб, тавсия этилган. Ушбу китоб комил инсон тарбияси билан боғлиқ бутун масалаларни ўзида тўла қамраб олган ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бутун дастур мазмунини ўз ичига сингдирган.

Муаллиф қўлланманинг кириш қисмида мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз миллий тараққиёт йўлини белгилаб олишда унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий асосларини кенг изоҳлаб берган.

«Тарбияга оид фикрларнинг пайдо бўлиши» деб номланган биринчи бобида қадимги халқ оғзаки ижодиётида инсон тарбиясига оид фикрлар археологик қазилмалар натижасида топилган кўргазмали ашёлар, халқ оғзаки ижоди материаллари, буюк адиблар, алломаларнинг ижодий мероси билан боғлаб баён этилган.

«Ислом таълимотида комил инсон талқини», «Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари таълимотида комил инсон тарбияси», «Шарқ педагогика таълимотида комил инсон тарбияси» деб номланган бобларда ҳам мукаммал шахс тарбияси масаласи чуқур ёритилган.

Умуман, ушбу қўлланмада педагогик фикр тараққиётида комил инсон тарбияси тарихи маълум бир тизим асосида ёритилган бўлиб, унда энг қадимги даврларда инсон тарбиясига оид фикрларнинг шаклланиши, ислом таълимотида комил инсон даражасига эришиш йўллари, қомусий олимлар илмий меросида комил инсон тарбиясига доир таълимот ва ниҳоят, таълимий-ахлоқий асарларда комил инсонни тарбиялаш ғояларининг таркиб топиши масалалари баён этилган.

Сафо МАТЧОНОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор,
Турсунбой СУЛТОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди



ЖУРНАЛ ЎЧ ТИЛДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Республикамизда илмий-назарий характердаги журналлар сони яна биттага кўпайди. Бу — «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналидир. Унга муассислар ЎзФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда файласуфлар миллий жамияти бўлиб, буни нашр этиш заруратини тўғрисида журналда шундай сўзбоши берилган: «Маълумки, асрлар, минг йиллар давомида юртимиз заминида ўзига хос фалсафа ва ҳуқуқ шаклланган. Ана шу мактаб анъаналарини тиклаш ва дунё тажрибаси ҳамда бугунги тараққиётнинг сўнгги ютуқлари асосида давом эттириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу масалаларни муҳокама этиш, улар тўғрисида мунозара юритиш учун муайян «баҳс майдони»га эҳтиёж туғилган эди. Бу вазифани янги ташкил этилаётган «Фалсафа ва ҳуқуқ» журнали ўз зиммасига олади».

Дарвоқе, «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналининг ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп қилиниши катта аҳамиятга эгадир.

Ҳ. КУЗМЕТОВА



ЯНГИ ЛУҒАТ ЯНГИ АЛИФБОДА

Бугун Ўзбекистон билан яқин ва фаол алоқа олиб бораётган давлатлар сафи анчагина кенгайди. Улар орасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда бутун дунёда муҳим ўрин тутган давлатлар бор. Шу туфайли уларнинг ҳам тилларини фаолроқ ўрганиш давр талабига айланиб келмоқда. Бундай тиллар қаторида биринчи галда инглиз, француз, немис, япон ва бошқа бир неча тилларни санаб ўтиш мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, қадимда мамлакатимизда кенг тарқалмаган ушбу тилларни ўрганишда бир мунча техник қийинчиликларга дуч келинмоқда. Жумладан, мазкур тилларнинг баъзилари бўйича катта сўз бойлигига эга бўлган ўзбекча замонавий луғатлар ҳанузгача етарлича ишлаб чиқилмаган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида бир гуруҳ ўзбек ва француз мутахассислари томонидан «Янги ўзбекча — французча луғат» ишлаб чиқилиб, нашр этилди. Ҳам Парижда, ҳам Тошкентда чоп этилган мазкур китоб юқорида тилга олинган масалани ечишда амалга оширилган муҳим тадбир натижаси бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мазкур луғат Худойқул Ибрагимов, Улуғбек Мансуров, ҳамда Байрам Балчи ва Йохан Юресларнинг меҳнати маҳсулидир. Ўн икки ярим мингдан ошиқ сўз бойлигига эга бўлган бу луғат мамлакатимизда фаранг тилини расман ўрганаётган тўрт юз мингдан ошиқроқ ўқувчи ва талабалар учун муҳим қўлланмага айланмоқда. Мазкур китобнинг яна бир алоҳида афзаллиги ҳам бор. Яъни, унинг ўзбек тилидаги қисмида сўзлар лотин ёзувидаги янги алифбо асосида берилган. Бу эса, мамлакатимизда янги алифбога ўтиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мазкур луғат нафақат ўзбекларнинг француз тилини, балки француз тилини билувчи ажнабий фуқароларнинг ўзбек тилини ўрганишида ҳам жуда қўл келиши мумкин. Шу маънода ушбу луғатнинг аҳамиятини баҳолашда ҳозирги кунда француз тили жаҳоннинг элликдан ошиқ давлатида расмий ва давлат тили ҳисобланишини эслаш жоиз бўлади. Франция ва бошқа қатор франкофон давлатларнинг халқаро майдонда тутган ўрни ҳамда уларнинг Ўзбекистон билан олиб бораётган кенг қамровли ҳамкорлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, «Янги ўзбекча-французча луғат» муаллифлари ғоят фойдали ишни амалга оширганлар. Зеро, уларнинг меҳнат маҳсули ўзбек халқининг жаҳоннинг барча минтақаларида мавжуд бўлган француз тилида сўзлашувчи бошқа халқлар билан алоқалари ривожланишига қўшилган ўзига хос бир ҳисса бўлди.

Ушбу қўлланмани Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ишлаб чиққан ва нашр этган. Тошкентда жойлашган мазкур француз илмий-тадқиқот маркази директори Реми Дор жаноблари «Янги ўзбекча-французча луғат» сўзбошисида таъкидлаганидек, «келажакда ушбу луғат устида ишлаш давом этиши лозим, жумладан, унинг сўз бойлигини кенгайтириб бориш даркор».

Лола АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат юридик институти талабаси,
Шавкатжон ЙИГИТАЛИЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Sportchilarimizdan boks, erkin va yunon-rum kurashi ustalari nomi olimpiada medali uchun kurash olib boradigan asosiy favoritlar qatorida zikr etilmoqda.

БАЛЛИ, БОКСЧИЛАР!

АФИНА. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). XXVIII Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик боксчиларнинг чиқишлари катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бунгача Ўткирбек Ҳайдаров, Шерзод Абдураҳмонов ҳамда Шерзод Ҳусанов иккинчи босқичга йўлланма олган эди. Энди уларнинг сафига Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Беҳзод Хидиров ҳам қўшилди.

Покистонлик Аҳмад Сухайлга қарши рингга чиққан боксчимиз жангни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилди. Учрашув рефериси иккинчи раундда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси 28-8 ҳисобида ғалаба қозонганини қайд қилиб, Беҳзоднинг қўлини баланд кўтарди.

Афсуски, дзюдо баҳсларида Рамзиддин Саидов рақибига имкониятни бой берди. Мамлакатимизнинг энг кучли дзюдочиларидан Абдулла Тангриев ҳамда Вячеслав Перетейко ҳали беллашувларни бошлагани йўқ.

Спортчиларимиздан бокс, эркин ва юнон-рум кураши усталари номи олимпиада медали учун кураш олиб борадиган асосий фаворитлар қаторида зикр этилмоқда. Боксчиларимиз саралаш учрашувларида кетма-кет ғалаба қозонаётган бўлса, курашчиларимизнинг беллашувлари ҳали олдинда.

Afina — 2004

Айни кунларда қадимий Афина шаҳрида Олимпия ўйинлари ўзига хос натижалар билан ҳаммани ҳайратга солмоқда.

Ўйинларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон делегацияси 144-ўринда майдонга чиқди. Давлатимиз байроғини ғурур ва ифтихор билан олимпия ўйинларида спортнинг дзюдо тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган Абдулла Тангриев кўтариб олганди.

Катта тантаналар билан бўлиб ўтган очилиш маросимидан сўнг, мусобақалар бошланиб кетганлигидан ҳамманинг хабари бор. Шу ўтган беш кун мобайнида кўпгина давлатлар вакиллари ўз ҳисобига бир неча очколар ёзиб қўйиш билан бирга, олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби ҳам бўлишди.

НАТИЖАЛАР ҲАММАНИ ҲАЙРАТГА СОЛМОҚДА

Ҳеч ким кутмаган ва "Афина-2004" мусобақаларининг шов-шувли натижаларини Хитой Халқ Республикаси вакиллари кўрсатмоқда. Ҳозирча уларнинг ҳисобида 39 очко ва 10 та олтин, 4 та кумуш ва 1 та бронза медали бор. Австралия ва Япония спортчилари 6 ва 5 тадан олтин медалга эгалик қилишмоқда. Бундан бир неча кун аввал АҚШ спортчилари учинчи ўринни банд қилиб турган бўлсалар, кеча Япония вакиллари бу ўринни улардан тортиб олди.

"Афина-2004" спорт мусобақалари кузатувчиларнинг фикрича, энг шов-шувли Олимпия ўйинларидан биридир. Чунки шу кунга қадар 35 нафар спортчи допинг истеъмол қилгани учун мусобақалардан четлаштирилди. 10 нафарга яқин спортчи ҳам турли сабабларга кўра Олимпиадада иштирок этолмайдилар. Жабрланувчилар ҳакамлардан адолат талаб қилиб, чарчашмаяпти.

Фақатгина 1 та кумуш медаль билан медаль соҳиблари жадвалининг охирги ўрнида Зимбабве давлати спортчилари турибди.

КУРАШ ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

АФИНА. (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ). Ўзбекистонлик олимпиячилар спортнинг стол тенниси, бокс, велоспорт, спорт гимнастикаси, сузиш, дзюдо, ўқ отиш, академик эшкак эшиш турлари бўйича мусобақаларни дадил бошлади.

Айниқса, боксчиларимиз яхши натижалар кўрсатаяпти. Барча чарм қўлқоп усталаримиз жангларда ғалабага эришмоқда. Жумладан, Шерзод Абдураҳмонов туркиялик Сердар Устунерни, Ўткир Ҳайдаров эса нигериялик Исаак Некрони катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Яна бир боксчимиз Шерзод Ҳусанов ҳам жамоадошларининг зафарли одимларини давом эттириб, венесуэлалик Прада Жон Кариосни 33-20 ҳисобида мағлуб этди.

— Президентимиз Ислом Каримов ўзбекистонлик Олимпиада иштирокчиларига йўллаган табригида барча спортчиларимиздан умиди катта эканини алоҳида таъкидлаган эди, — деди жаҳон чемпионати совриндори, Осиё чемпиони, ҳарбийлар Олимпиадаси ғолиби Шерзод Ҳусанов ЎзА мухбирига. — Аввалги икки олимпиададан ҳам боксчиларимиз Ватанимизга медаллар билан қайтишган. Биз ҳам ҳар гал рингга ана шундай катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда чиқяпмиз. Насиб қилса, Юртбошимизнинг, барча спорт ишқибозларининг ишончини оқлаймиз.

— Ўзбекистонлик боксчилар доимо пухта тайёргарликка эга, кучли жамоа ҳисобланган - дейди тунислик Башир Маннубий. — Мен учун бу 12-Олимпиада ўйинларидир. Илгари бокс бўйича Тунис терма жамоаси шарафини ҳимоя қилганман. Ҳозир телеоператор сифатида боксчиларнинг чиқишларини кузатиб бораяпман. Боксчиларингиз мени ҳайратга солмоқда.

Шунингдек, академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурзалиев ҳамда Сергей Богданов биринчи босқичдан муваффақиятли ўтди.

ОЛИМПИЯНИНГ ШОВ-ШУВЛИ БАССЕЙНИ

Олимпия ўйинларининг иккинчи кунида ўтказилган сузиш бўйича беллашувлар олимпиаданинг катта шов-шувига сабаб бўлди. Эркаклар орасида ўтказилган юз метрга сузиш бўйича мусобақаларда кутилмаганда барча совринли ўринларни Жанубий африкаликлар эгаллаб, дунё рекордини янгилашди.

Африкаликлар масофани 3 дақиқа 13,36 секундда сузиб ўтишди. Голландлар иккинчи бўлиб етиб келдилар.

Беллашувлар "сардори" дея тахмин қилинаётган АҚШ вакили Макл Фелпс учинчи ўринни банд этди ва бронза медали билан чекланди.

Россиялик спортчи, тўрт карра Олимпия чемпиони Александр Попов итальян рақиби билан тўртинчи ўринни бўлиб олишга мажбур бўлди.

Илгарироқ экспертлар беллашувнинг америкалик Фелпс билан австралиялик Иан Горл ўртасида биринчи ўрин учун бўладиган қизғин жангдан иборат бўлишини таҳлил қилишган эди. Аммо уларнинг ҳеч бири айтарли натижага эриша олмади.

ХИТОЙЛИК МЕРГАНЛАР ЯНА ИККИ МЕДАЛНИ НИШОНГА ОЛИШДИ

Хитойлик мерган спортчилар Цзинян Чжу ва Цзи Лилар масофадан нишонга олиш бўйича танловда 702,7 ва 701,3 балл тўплаб биринчи ва иккинчи ўринларни банд қилишди.

19 ёшли Цзинян Чжу кўрсатган натижаси билан Олимпия рекордини ўрнатди. Бронза медалига 697,4 балл тўплаб, словак Йозеф Гончи эришди.

Моҳира ШОДМОНОВА

СПОРТДА ДОПИНГ МАСАЛАЛАРИ

Сўнгги пайтларда спортчиларнинг допинг қабул қилиш бўйича кўрсаткичлари кўтарилиб, Олимпия ҳакамлари олдида йирик муаммони кўндаланг қилди. Мутахассисларнинг фикрича, допинг истеъмол қилиш яқинда пайдо бўлмаган. Бу "офат"нинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

1896 йил июлда замонавий олимпия мусобақалари ташкилотчиси барон де Кубертенни бахтли инсон дейиш мумкин эди. Чунки ўша йили 40 мингдан ортиқ мухлисига эга спорт ўйинлари намунали ўтказилди. Йиллар давомида "Тезроқ, баландроқ, кучлироқ" шиори остида шаклланган спорт формаси энг юқори кўрсаткичлар билан бойиб борди.

Агар Кубертен 60-йилларга қадар яшаганида, 1968 йилги спортчиларнинг допинг истеъмол қилишга қарши ўтказиладиган тестларидан ҳайратга тушарди. Ҳарбий тарихчи ва спорт журналисти Гевин Мортимер айтганидек, агар афсонавий француз қадимги олимпия ўйинлари тарихини яхши билганида, унинг учун қадимги спортчилар ўз кўрсаткичларини ошириш ниятида қабул қиладиган "қўшимча препарат"лар сир бўлмас эди.

Юнон стайерлари (узоқ масофага югурувчилари) қўшимча куч ато этувчи кунжут донидан фойдаланишган. Бу борада қадимги боксёрлар ва жангчилар анча тараққий этган эдилар. Улар заҳарли замбуруққа ишлов бериб, жангдан олдин истеъмол қилишган.

Қадимги Римда от пойгасида иштирок этувчи отларга тезроқ югуриши учун пойгадан олдин сувга асал аралаштириб берилган. Қадимги Миср "коктейл"лари бу борада бағоят машҳур бўлган. Пойгадан олдин абиссин эшагининг орқа туёқлари кукуни, айниган от ёғи ва атиргул мойи аралашмасидан тайёрланган аралашма отларга ичирилган. Уларнинг натижалари ҳозиргача янгиланмаган.

Бу анъаналар Рим империяси билан биргаликда абадий уйқуга кетган эди. XX асрда улар яна қайтадан жонлана бошлади.

Асримиз бошидаги допингларнинг дастлабки кўринишлари велопойгаларда қўлланила бошланди. Натижаларнинг тинмай кўтарилиши уларни чуқурроқ ўрганишга чорлади. Мусобақа вақтида француз велопойгачилари кока барги сувини, уларнинг белгиялик рақиблари эфир мойига ботирилган қандни, инглизлар героин ва кока кукуни — «спидбол»ларни истеъмол қилишган. Кокаин мойи боксёрларга жасурлик ва қувват бағишлаган.

1904 йилги Олимпиадада Томас Хикс марафонча югуришнинг 25-километрида бир стакан брендига қўшилган стрихнин ичди ва финалга биринчи бўлиб етиб келди. Бу ерда унга врачлар ёрдами зарур бўлиб қолди, бахтга қарши, ғалаба унинг ортидан қолди.

Британияда 1920 йилда спорт мусобақалари даврида хавфли препаратларни истеъмол қилишни чекловчи акт қабул қилинди. Шундай қилиб, Олимпия тарихида "тозалаш" даври бошланди.

20-йилларда амфетаминлар ихтиро қилинган эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу препаратдан организмни фаоллаштирувчи сифатида кенг фойдаланилди. Британия университети профессори Лофборо Берри Хулихон таъкидлаганидек: "Наркотиклардан уруш пайтида фойдаланиш совуқ уруш даврида тараққий этиб, Олимпиадагача кириб келди".

Ачинарлиси, йирик натижаларга эришиш нияти да допинг истеъмол қилган спортчиларни ҳокимиятлар препаратлар билан таъминлаб турган. Чунки кўп олтин медаль юксак шуҳрат демакдир.

Кенг қамровли наркотик қабул қилиш қишки олимпия тарихида 1852 йилда пайдо бўлди. 1960 йили Римдаги мусобақаларда даниялик велопойгачи наркотик таъсирида ҳалок бўлди. Ҳукуматлар бундай қурбонларни 1967 йилги «Тур де Франс»да ҳалок бўлган инглиз Томми Симпсонга қадар яширишга интилди. Кейин матбуотда буни яширишнинг имкони бўлмади.

1968 йил Мехикодаги Олимпиада ўйинларида илк бор допингга қарши тест ўтказиш бошланди. Энди дунё рекорд кўрсаткичлари бирин-кетин туша бошлади.

Фирибгарлар допингнинг яхши кўриниши – стероиддан фойдаланишда давом этишмоқда эди. 1973 йилда бу ёлғонга ҳам чек қўйилди. Аммо ўтган XX аср ривожланган медицинаси фирибгар спортчиларга кенг имкониятлар яратишда давом этмоқда.

Шаҳобиддин МУСАЕВ, Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади.

Alqissa, unchalik katta bo'lmagan orolchadagi yig'ilgan shishalar 1 million 640 ming donani tashkil etdi.

Fikr

Бир куни ўқишдан чиқиб, автобус кутиб ўтирганимда катта ёшли бир аёл:

— Қизим, ана у қўшиқчи ким экан, ҳеч таниёлмаяпман. Янги қўшиқчимикин, — деди.

Мен бекатдаги афишалар тахтасига қайрилдим-у кимлигини таниб бўлмайдиган даражада афтангори ўзгартирилган, баъзи жойлари йиртиб ташланган машҳур қўшиқчининг расмини кўрдим.

Ёнимда турган аёл ўйланиб қолганимни кўриб, ўзи афишанинг олдига борди. Анча вақт тикилиб турди-да, қовоғини солиб:

— Виждонсизлар, — дея келиб жойига ўтирди. — Ҳозирги ёшларга ҳам ҳайронман, — деди у куйи-

АФИША ҲАМ ШАҲАРНИНГ КЎРКИ

ниб. — «Тўқликка шўхлик» деб шуни айтишади-да. Ана унинг тагига шунақанги «ширин» гаплар ёзишибдики, асти қўяверинг. Буни қайси тарбиясиз қилган экан-а? Янги қўшиқчими десам, эл суйган хонанда экан. Яна йиртиб ташлаганини айтмайсизми?

Автобус келиб, суҳбатимиз узилди. Автобусда кетарканман, бу номаъқул ишнинг бош илдизи қаерда эканлигини ўйлай бошладим.

Дарҳақиқат, жуда кўп жойларда шундай аҳволни кўриш мумкин. Ахир, афишалар ҳам шаҳарнинг кўрки-ку! Тўғри келган жойига чизиб, ўйиб кетавериш тарбиясизликнинг бир кўриниши эмасми? Бу билан ўзимизнинг маданиятимизни оёқости қилмаяпмизми?

Бир ўқитувчидан шу хусусда сўраганимда, шундай деганди:

«Муаллимнинг вазифаси таълим ва тарбия бериш. Лекин, энг аввало, тарбиянинг илк пойдевори оилада қурилади. Баъзи ота-оналар ўқувчиларнинг стул, парталарга, турли жойларга чизишини «Ўқитувчилар болаларимизга яхши тарбия беришмаяпти» деб, биздан кўришади. Бундан бир ой олдин кичкина қизим ҳожатхонага исмини ўйиб ёзиб қўйибди. Онаси билан уни қойиб, уялтирдик. Кўрдингизми, ҳамма нарса уйдан, остонадан бошланади. Агарда ўшанда қизимни қойимаганимда, у эртага бошқа жойга, яъни мактаб партасига, автобус ўриндиқларига, жамоат жойидаги бошқа нарсаларга ҳам чизишни табиий деб ўйларди ва шу ишни қилаверарди».

Юқорида биз айтиб ўтган хунук воқеанинг "ижодкорлари" қайсидир мактаб ўқувчиси ёки олий ўқув юртининг талабаси эмасми? Кимнидир кулдириш ёки шунчаки кўнгилхушлик учун афишаларни яроқсиз аҳволга келтириш, дурустмикин?

Бола учун ҳаёт мактаби аввало оилавий муҳитдир. У ерда фарзанд жамиятнинг талабларини тушуниб улғаяди. Ҳар бир нарсани ўз ҳолича сақлаб қолишни ўргансак, ёмон бўлмасди.

Дилноза НАМОЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА КУТУБХОНАЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" 5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" 7-синф
4. "Чизмачилик" 8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" 8-синф
6. "Чизмачилик" 9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" 10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" 10-синф учун
10. Г.Ҳидоятов "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Каримов "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" 11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11- синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф

Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" 7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного право" 9-класс
10. "Обшая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоятов "Всемирная история" 10-класс
14. "История Узбекистана" 10-класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадиий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Харидорларга дарсликлар учун чегирма (скидка) берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26. "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр), тел.: 133-58-72, 133-35-90

Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел.: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси) тел.: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси-71, тел.: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет булвари-15, тел.: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Ахси кўчаси — (Сардоба бозори ёнида), тел.: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона — "Ичон-Қалъа", тел.: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси-14, тел.: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-митти туман, 9-уй, тел.: 227-66-44.
Фарғона шаҳри, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси-1, тел.: 92-942.
Тошкент вилояти Зангиота туманида "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг!
Нархлар сизни қаноатлантиради!

«КАМОЛОТ» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Xullas...

ҚУШЛАРГА БРИТАНИЯ ВИЗАСИ

Буюк Британияда йўқолиб кетган қуш тури — тувалоқни кўпайтириш ҳақида қайғурилаяпти. Бунинг учун мамлакатдаги мутасадди ташкилотлар тувалоқ сақланиб қолган Россия давлатига мурожаат қилишди. Демак, буни ўзаро битимлар асосида амалга ошириш лозим.

Учмайдиган улкан қуш тури — тувалоқни Британия ороллари да кўпайтириш масаласи инглиз экологларини анчадан бери қизиқтириб келарди. Ниҳоят, улар қуш Россия ҳудудларида кўпроқ учраши ҳақидаги маълумотга эга бўлгач, тинчларини йўқотишди. Қандай қилиб бир мамлакатдан иккинчисига қушларни олиб ўтиш керак?

Саратовда яшаётган қушларни Европага келтириш учун виза олиш лозим бўлди. Шундай қилиб, виза олган 30 та тувалоқ Россиядан Британия ороллари га олиб келинди. Ҳозир улкан қушларда кўпайиш жараёни бошланиб кетган. Ҳадемай, Англия ҳукумати бу ноёб қушни кўпайтириш ниятида юрган бошқа мамлакат орнитологларига худди ўзлари фойдаланган усулни таклиф қилсалар, ажаб эмас.

ШИШАЛАР "ХИРМОНИ"

Ярославлдаги оролчалардан бири атрофида тўпланиб қолган бўш шишаларни йиғиш кимнинг хаёлига келибди, дейсиз? Қаёққа қараманг, ароқ, пиво ва лимонад шишалари. Аммо улар кимга ҳам керак?

Ғап шундаки, оролча аҳолиси учун бўш шишалар қабул қиладиган пункт йўқ. Оқибатда маҳаллий халқ ҳамда дам олиб кетувчилар ичимликдан бўшаган шишаларни ҳар қаерга улоқтириб юборавериш арди. Ҳаттоки, Юршип оролчасига улоқтирилган идишлар, барибир, қирғоққа чиқиб олиб, теварак-атроф хунук кўринарди. Ким Катунин деган ўлкашуноснинг ташаббуси билан энди бўшаган ҳар хил ҳажмдаги шишалар "хирмон"и ҳосил қилинди. Маҳаллий аҳоли шишаларни йиғишга бажонидил киришиб кетди.

Алқисса, унчалик катта бўлмаган оролчадаги йиғилган шишалар 1 миллион 640 минг донани ташкил этди. Кимнинг эса "хирмон" олдида боши қотган. Яхшиси, бу матоҳни бир улов топиб, қабул пунктига элтиш ва улар билан шартнома тузиш лозим. Чунки бу икки томонлама фойда: атроф-муҳит мусаффолиги ва чўнтак учун.

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жўманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-929.
Тиражи 21117. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи: Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.